АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН!

ИНСОН ВА ҚОНУН

2002 йил 25 ИЮН сешанба № 25 (281) Сотувда эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

СЎЗ ҚУДРАТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

Сўз азал-азалдан азиз ва мукаррам саналган. Чунки ҳазрат Алишер Навоий таъбири билан айтганда, инсон сўз туфайли ҳайвонотдан фарқлидир. Лафзнинг ҳалоллиги ҳам шундан. Шу боис қадим-қадимдан сўз бебаҳо неъмат сифатида қадрланиб келинади. Тарихда сўз қудрати туфайли номини абадиятга муҳрлаб кетган зотлар жуда кўп. Ва бугунги кунда биз улар қолдирган меросни ўқиб, сўзнинг сеҳри ва жозибасидан завқ-шавқ оламиз, ҳайратга тушамиз. Шу билан бирга сўз ҳам ўз табиатига кўра яшовчан, у ҳам замонлар оша тараққий этишда давом этди. Жарчи, ҳудайчи, чопар, хуфиячи, мирзо, муаррих, тарихчи... ва ниҳоят, журналист. Бу рўйхат мукаммаликдан йироқ, албатта. Бироқ шунинг ўзиёқ жамият тараққиётидан ёрқин далолат. Тарих хусусида сўзлашни бошқа фурсатга қолдирайлик-да, журналистика ҳақида мулоҳаза юритайлик. Хўш, биз журналистика деганда нимани тушунамиз? Журналистиканинг мазмун-моҳияти нимадан иборат?

Инсон руҳиятига доир илмий кузатишлар олиб борган олимларнинг эътироф этишича, инсон кўнглидаги истак-хоҳишни ўз вақтида юзага чиқармаса, у охир-оқибат хасталикка йўлиқар экан. Жамият табиати ҳам шуни тақозо этади. Чунки у одамлардан ташкил топган. Бу эса одамларнинг ўзаро фикр алмашиш заруратини вужудга келтирган. Ана шу эҳтиёж ҳозирги кунда оммавий ахборот воситалари орқали амалга ошмоқда. Шу маънода журналист деганда жамиятдаги кишиларнинг дарду қувончи, ташвишу қайғуларидан дарак берувчи касб эгасини тушунамиз.

Шу боис у улкан қудратга эга. Бу куч шу билан изоҳланадики, журналист тимсолида одамлар бутун жамиятга дахлдор бўлган хабардан огоҳ бўлади. Яъни журналистнинг ёзгани, кўрсатгани ёки эшиттиргани одамларни таъсирлантиради, мушоҳадага чорлайди. Натижада ҳар хил дунёқараш, билим, савия ва феъл-атворга эга бўлган одамлар умумий минбардан баҳраманд бўлишга эҳтиёж сезади. Шу билан бирга бу ўринда нозик бир масала юзага келади. Гап шундаки, ҳар нарсанинг чекчегараси, ўлчови бўлгани каби сўз айтишнинг ҳам меъёри ва масъулияти бор. Буни таъкидлашдан мақсад шуки, баъзиларнинг матбуот ва журналист ҳақидаги тушунчалари анчайин бирёқлама. Яъни улар журналистларни икки тоифа — қораловчи ва оқловчиларга бўлишади. Шундан келиб чиқиб, матбуотни турли хил манфаатлар майдони деб билишади. Албатта, манфаатлар масаласида истаганча тортишиш мумкин. Лекин бир ҳақиқатни унутмаслик лозим. Оммавий ахборот воситаси ва журналист фақат жамият манфаатига хизмат қилади. Агар у кимнидир танқид қилса, ўзи эмас, балки жамият фойда кўради. Мабодо журналист кимнингдир ноғорасига ўйнаб, ёлланувчига айланса, бу ҳол тезда оммага маълум бўлади ва бундай журналистнинг ҳам, у ишлайдиган таҳририятнинг ҳам халқ орасидаги нуфузи пасайиб кетади. Бундан англашиладики, жамиятга зиёни тегадиган, нари борса, одамларнинг эҳтиросини қўзғайдиган қуруқ ҳақиқатнинг ҳеч кимга кераги йўқ. Айниқса, ёвузлик эзгулик ниқобида ҳаракат қилаётган паллада бундай ҳолатлардан жуда-жуда эҳтиёт бўлган маъқул. Шу маънода журналист жамиятнинг ташхисчиси вазифасини бажаради. Ҳаммага яхши маълумки, ташхис тўғри бўлса, хасталик келтириб чиқарувчи вирусга қарши курашиш осон кечади.

Истиқлол йилларида журналистика ва сўзга нисбатан бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Журналистика тўртинчи ҳокимият мақомини олди. Журналистлар Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг энг зарур дўсти ва ҳамроҳига айланди. Журналист фаолиятининг тўлақонли ҳуқуқий асоси яратилди. Булар секинлик билан бўлса-да, ўз самарасини бермоқда. Бироқ ҳали бу борада амалга оширилиши лозим бўлган ишлар жуда кўп.

Бугун даврнинг ўзи журналист, қалам аҳлининг олдига катта талабларни қўймоқда. Оммавий ахборот воситаларинии тўртинчи ҳокимият, дея эътироф этилиши, журналистларнинг зиммасидаги масъулиятнинг юқори эканлиги ҳам шу билан изоҳланади. Бундан ташқари, журналистнинг жамиятда тутган мавқеи жуда кўп омилларни ўзида ифодалайди. Бу эса қудратли куч демакдир. Ана шу кучдан оқилона фойдаланиш учун жамият аъзоларининг ҳар бири ўзига хос уйғунликда ҳаракат қилмоғи лозим. Қачонки, турфа ҳаракатлар ягона тизим шаклини олсагина, кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Халқимизнинг мақсади аниқ — келажаги буюк, озод ва обод жамият барпо этиш. Шундай экан, биргина масъулиятли вазифа олдимизда кўндаланг турибди — ҳаракатларимизни ана шу умумий мақсад йўлида мувофиқлаштириб олишимиз зарур. Ана шунда журналистнинг сўзи ҳам қудратли, ҳам қадрли бўлади ва тўртинчи ҳокимият том маънода жамият таянчига айланиб, унинг тараққиётига муносиб ҳисса қўшади.

Холли НОРБОЕВ

Истиқболдаги Ўзбекистон Ватан озодлиги насиб этмаган боболаримизга улуғвор ҳайкал бўлажак! Ўзбекистоннинг шуҳратига шуҳрат қўшувчи фарзандларимизга муқаддас бешик бўлажак!

Ислом КАРИМОВ



Яқинда қўшни республикадан келган Яхшилиқ исмли йигит суҳбат орасида шундай фикрни айтиб қолди:

— Чегарадан ўтиб, юртингиз тупроғига қадам қўйган заҳотиёқ кишининг кўзи қувонади. Қаранг, ҳар қадамда бир дунё ўзгариш, янгилик... Қўшма корхоналар барпо этилмоқда, равон йўл, салобатли кўприклар солинмоқда, осмонўпар иморатлар қад ростламоқда... Азалдан ҳам ота-боболаримиз фарзанд дунёга келса, унга атаб иморат қуришган, дарахт экишган. Бугун юртингизда кечаётган ўзгаришларни шунга қиёслаш мумкин. Шунинг учун биз Ўзбекистоннинг бўй-бастига ҳавас кўзи билан қараймиз, уни ўзимизга тоғдек суянчиқ деб биламиз. Яшириб нима қилдим, биз ҳам сизлар қатори мустақилликка чиққан халқмиз. Аммо бугун юртимизда милисахона билан ароқ заводидан бошқа биронта ташкилот тузук-қуруқ ишламайди, десам, ёлғон бўлмайди. Яна денг, шундай бир аҳволда "демократия, демократия..." дея дунё жар солиш кимга зарур, сира ақлим етмайди... Ўзбекистон эса мўъжизалар яратиб, ўз мақсади сари дадил одимлаб бораяпти.

Бу самимий эътироф замирида, ҳеч шубҳасиз, улкан ҳаётий ҳақиқат мужассам. Зеро, истиқлол йилларида халқимиз Юртбошимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ўзининг чинакам яратувчилик ва бунёдкорлик салоҳиятини намойиш этаётгани, бу олижаноб туйғулар аждодларимиздан ўтиб келаётган улкан фазилат эканлигини бутун дунё эътироф этмоқда.

Гап халқимизнинг бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳияти ҳақида борар экан, шуни айтиш керакки, бугун истиқлолнинг ўтган ўн йил даврида бунёд этилган муҳташам обидалар, осмонўпар бинолар, боғу хиёбонлар, равон йўллар ва кўприкларнинг санаб ниҳоясига етиш мушкул.

Энг муҳими, бу бунёдкорлик ишларида келажаққа интилиб яшаётган халқимизнинг озод меҳнати, ғайрат-шижоати ва улуғ аждодларимиз хотирасига чексиз ҳурмат-эҳтироми ўзининг теран ифодасини топгани билан ҳам янада қиммат лидир.

Бугун пойтахтдаги осмонўпар телеминора олдига бориб, кун чиқиш томонга назар ташласангиз, Бўзсувнинг икки соҳилида бахмалдек ям-яшил майса билан қопланган беиҳоя ораста ва кўркам хиёбонга кўзингиз тушади. Соҳилнинг ўнг тарафида, тепаликда эса мовий ҳавозаси қуёш нурида ял-ял товланаётган **"Шаҳидлар хотираси"** ёдгорлик мажмуи қад ростлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг ғоя ва ташаббуси билан қисқа муддатда бунёд этилган **"Шаҳидлар хотираси"** ёдгорлик мажмуи қанчадан-қанча кўнгилларга ёруғлик бағишлади. Шу билан бирга у туйғуларни она юртга боғловчи ришта, озод Ватан ва она халқимизнинг бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб фарзандларининг хотирасига иззат-икроми, ихлос-эҳтироми тимсоли ҳамдир.

Ҳолбуки, кечаги кунга қадар бу ҳудуд билан боғлиқ кечмиш ҳақида ҳеч нарса билмасдик. Бу қабоҳатдан хабардор кишилар ҳам оғиз очишга ботинолмаган. Фақат истиқлолнинг эркинлик сиёсати туфайли тарихий адолат тикланди, ёвуз шўро тузуми даврида қатағон қилинган, ҳаётда кун кўрмай ўтган юз минглаб ватандошларимиз хотирасига муносиб ҳурмат кўрсатилди.

"Империя ўзининг душманлари учун гадойтопмас жойларни қатлгоҳ сифатида танлади, — деб ёзади ёзувчи Ғаффор Ҳотамов ("Халқ сўзи" газетаси, 2000 йил, 29 февраль сони). — Халқни ғафлатда қолдириб, унинг салоҳиятли фарзандларини кечалари қатл этди, сўнг жарликка итқитиб, устига тупроқ тортди. Шундай қатлгоҳларнинг учтаси мана шу ҳудудга ёндош бўлган. Яқин-яқингача улар жамоатчиликдан сир тутилган.

Бугун бу жойларнинг кўриниши кун сайин ўзгариб бормоқда. Юртбошимизнинг ғоя ва ташаббуси билан бу ерда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилмоқда. Ёдгорликнинг дастлабки лойиҳасини кўриб чиқиб унга кўпгина тузатишлар киритар экан, Президент Ислом Каримов шундай деб уқтирган эди: **"Бу ёдгорликни барпо этишдан мақсад — биринчидан, бугунги ёруғ кунлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг илдизлари жуда чуқур. Шоир айтгани каби, балки бир фидойининг хизматлари туфайли бу ҳаёт гаштини суриб юргандирмиз? Мана шу ҳақиқатни идрок этишда тарих ҳамиша ёрдамга келади, сабоқ чиқаришга ундайди. Шунинг учун бўлса керак, улуғ адиб *"Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлик"* деб айтган».**

Yasha va yodingda tut!

ИСТИҚЛОЛ МЎЪЖИЗАСИ

Кечаги кунга қадар ташландиқ ва қаровсиз ҳолда қолиб келган ҳудудда барпо этилган кўркам хиёбон тез орада халқимизнинг энг муқаддас зиёратгоҳларидан бирига айланди. Бугун бу зиёратгоҳдан узоқ-яқиндан келган зиёратчиларнинг қадами узилмайди. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки юртимизда мустабид шўро тузуми давридаги қатағонлардан жабру ситам, азоб-уқубат кўрмаган оилалар кам топилади. Қайсидир бир оила севимли отаси, ака-укаси, яна бири қариндошуруғи, ёру биродаридан жудо қилинган. Бунинг устига дахшатли қатағон гирдобига тортилганларнинг ортида қолганлар беадад хўрлик, жабру ситамларга гирфтор қилинган, ҳаётда кун кўришмаган.

Шундан келиб чиқиб айтиш керакки, бу муқаддас зиёратгоҳнинг барпо этилиши шаҳид кетган ватандошларимизнинг руҳини шод этиш билан бирга уларнинг ортида қолганларнинг ҳам куйган юрагига малҳам бўлди.

Энг муҳими, бу табаррук зиёратгоҳга келган ҳар бир киши шаҳид кетган аждодларимизнинг хотирасини ёдга олади, инсон умрининг мазмун-моҳияти, Озодликнинг қадр -қиммати нечоғлик баланд эканлиги ҳақида ўйлайди. Озодлик, иймон-эътиқод йўлидаги ҳар бир саъи-ҳаракат, жонбозлик ҳеч қачон изсиз кетмаслиги, йиллар ўтса-да, Ватан ўзининг мард ўғлонларини ёд олиши, уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтиришини эътироф этади.

Дунёда бундан ҳам хайрли ва эзгу иш борми?!.

* * *

Эзгулик ҳамиша эзгу, савоб ишларини етаклаб келади. Бугун **"Шаҳидлар хотираси"** ёдгор мажмуида ана шундай савоб ва хайрли ишнинг бевосита давоми сифатида **«Қатағон қурбонлари хотираси»** музейи бунёд этилаётгани ҳам бу фикрнинг исботидир.



Президентимизнинг 2001 йил 1 майда эълон қилинган **"Қатағон қурбонлари ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги** Фармонида шундай қайд этилган:

«Тошкент шаҳар ҳокимлиги тегишли идора ва ташкилот билан биргаликда "Қатағон қурбонлари хотираси" музейини ташкил этиш, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуини сайёҳлик йўналишига киритиш, зиёратгоҳ ҳудудини янада ободонлаштириш ва бу ерда махсус радиолаштириш тизимини жорий қилиш масаласини ҳал этсин».

Кейинчалик Президентимиз бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, шундай таъкидлаган эди: **"Бу борадаги маърифий-мафкуравий ишларда бошидан жуда кўп фожиалар ўтган халқимиз, унинг сабр-бардоши, иймон-иродаси, елкамизга офтоб теккан бугунги кунлар, истиқлол ва озодликнинг қадр-қиммати ҳақида атрофлича фикр юритишимиз, шу масалаларга алоҳида урғу беришимиз лозим.**

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуида Фармонда белгиланган «Қатағон қурбонлари хотираси» музейини бунёд этишда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратиш керак. Умуман, бу масалага фақат сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки одамийлик нуқтаи назаридан ёндашиш, ноҳақ жабр кўрган, қатл этилган кишилар, уларнинг ёди, мухтасар қилиб айтганда, инсон хотираси, ўтганлар олдидаги тирикларнинг бурчи, яъни зиммамиздаги қарздорлик туйғуси-дан келиб чиқиб иш тутиш, менимча, мақсадга мувофиқдир. Барчамиз ҳам жафокаш халқимиз тақдири, ноҳақ қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида доимо бош эгиб, ҳурмат бажо келтиришимиз лозим".

Дарҳақиқат, эртанги куни учун қайғурадиган ҳар бир жамиятда энг аввало, инсон хотирасига муносиб ҳурмат бажо келтирилади, унинг қадр-қиммати, шаън-шавкати улуғланади. Чунки инсон хотирасига кўрсатилган эҳтиром замирида жамиятнинг бугунги куни ва эртаси билан боғлиқ катта ҳикмат мужассам. Агар истиқлол йилларида юртимизда амалга оширилган хайрли ва савоб ишларга назар ташласак, улар моҳият-мазмуни билан ана шундай олижаноб мақсадга хизмат қилади. Бугун Бўзсув соҳилида барпо этилаётган Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳам ана шундай олижаноб ишларнинг яна бир намунасидир.

Агар бугун **«Шаҳидлар хотираси»** ёдгорлик мажмуига йўлингиз тушса, мамлкатимизнинг қўли гул уста ва ҳунармандлари **«Қатағон қурбонлари хотираси»** музейини барпо этиш борасида қизғин иш олиб бораётганига гувоҳ бўласиз.

— Президентимизнинг ташаббуси билан **"Қатағон қурбонлари хотираси"** музейини бунёд этилаётгани хайрли ва савоб ишларнинг давоми бўлди, — дейди Ўзбекистон халқ устаси Абдуғани Абдуллаев. — Музей ҳавозасининг баландлиги йигирма метрдан ошади, унинг олд томонида 28 та устундан иборат айвон солинади, 6 та қўштабақали эшик қўйилади. Албатта, эшик ва устунларга нақшинкор безак солинади. Мен кези келганда бир фикрни айтиб ўтишни истайман: халқимиз мустақилликка эришгач, Президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги билан миллий ҳунармандчилик санъати қайта тикланди. Шўро замонида миллий ҳунармандчилик мутлақо кераксиз нарсага айланиб қолганди. Ўша йилларда мамлакатимизда ана шу ҳунармандчилик асосида биронта кўзга кўринадиган иморат тикланганми? Йўқ. Истиқлол йилларида эса бу нодир санъат эъзоз топди. "Хотира" майдони, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғилоний зиёратгоҳи сингари ўнлаб обидалар ана шу миллий ҳунармандчилик санъати асосида бунёд этилди. Миллий ҳунармандчилик санъати минг йиллик тарихга эга халқимизнинг миллий ўзлиги, миллий қиёфаси саналади.

"Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг бунёд этилиши улкан маънавий-маърифий аҳамиятга эга. Чунки бу музей озодлик йўлида сабот билан курашган, кечаги мустабид тузумнинг барча жабру ситамларини ўз тақдирида синаб кўрган аждодларимизнинг хотираси тимсоли сифатида бугунги ва келажак ҳаётда ҳеч нарса унутмаслигини, озодликнинг нақадар бебаҳо неъматлигини англатиб туради. Шунингдек, у тарихдан сабоқ чиқариш ва келажакка теран кўз билан боқишга ундайди.

Зеро, ўз озодлиги йўлида беҳисоб қурбонлар берган, машаққатли курашларда сабот ва матонат кўрсатган халқимиз хотираси олдида, Юртбошимиз таъкидлаганидек, доимо бош эгамиз.

Шодикул ҲАМРОЕВ

Суратларда: «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи қурилишидан лавҳалар

O'ZBEKISTON

кеча, бугун, эртага

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21 июн куни Оқсаройда халқаро валюта жамғармасининг (ХВЖ) Ўзбекистон бўйича миссияси раҳбари Эрик Де Врайерни қабул қилди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Иордания Ҳошимийлар Қироллиги ҳукумати ўртасида маданият соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

* * *

Германиянинг Штутгарт шаҳрида "Ўзбекистон шаҳарлари: анъана ва замонавийлик" мавзусида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

* * *

Миллий матбуот марказида "Наврўз —боқий байрам-2002" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

* * *

Тошкентда "Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвестицияларни жалб қилиш" мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Японияниг ЛСЕ халқаро ҳамкорлик маркази кунчиқар мамлакат олий ўқув юртларида ўқиш учун 20 нафар ўзбек ёшларини тайёрлайди. Пойтахтимиздаги бизнес марказида улар билан учрашув ўтказилди.

* * *

Тошкент Давлат аграр университетида репродуктив саломатлик ва оила экологияси муаммоларига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.

* * *

Аёллар теннис уюшмаси (WTA) дунёдаги энг кучли ракетка усталари рўйхатини эълон қилди. Унда ўзбекистонлик теннис маликаси Ирода Тўлаганова ўн олтинчи ўринни эгаллаган.

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОР ВА ТАРАҚҚИЁТ

ИККИНЧИ МАЪЛУМОТ

Азиз ўқувчи!

Газетамизнинг ўтган сонида Адлия вазирлигининг ташаббуси билан мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўровнома натижаларини эълон қилгандик. Қуйида яна шу мавзуни давом эттириб, Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманида фаолият кўрсатаётган 200 нафар тадбиркор ўртасида ўтказилган сўров натижаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

Сўралганларнинг 96 нафари (48%) якка тартибдаги тадбиркорлар, 47 нафари (23,5%) кичик корхона, 39 нафари (19,5%) микрофирма, 15 нафари (7,5%) ўрта бизнес субъекти ва 3 нафари (1,5%) бошқа шаклдаги тадбиркорлик субъектлари аъзолари эди.

Тадбиркорларнинг билдиришича, уларнинг 115 нафари (47,5%) давлат рўйхатидан белгиланган муддатда ўтказилмаган. Масалан, уларнинг 56 нафари (28%) 1 ой, 21 нафари (10,5%) 2 ой, 23 нафари (11,5%) 3 ой, 9 нафари (4,5%) 6 ой, 2 нафари (1%) 1 йил, 4 нафари (2%) эса 1 йилдан ортиқ муддатда давлат рўйхатидан ўтказилган экан.

Шунингдек, сўров натижалари тадбиркорлардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганини кўрсатди. Жумладан, сўровда қатнашган тадбиркорларнинг 57 нафаридан (27,4%) давлат рўйхатидан ўтказишда, 17 тнафаридан (8,2%) ҳисобот қабул қилишда, 95 нафаридан (45,7%) лицензия (рухсатнома) беришда, 7 нафаридан (3,2%) ер ажратиш ва 12 нафаридан (5,5%) кредит беришда, 20 нафаридан (9,1%) бошқа ҳолларда ортиқча ҳужжатлар талаб этилган.

Маҳаллий давлат идоралари томонидан сўровда иштирок этган 93 нафар тадбиркорларнинг (59,6%) пул маблағлари турли хил жамғарма ва тадбирларга мажбурий равишда жалб этилган.

Бундан ташқари, сўров натижаларининг таҳлили тегишли идоралар томонидан тадбиркорлик субъектларидан ҳисоботларни қабул қилишда белгиланган муддатларга риоя этмаётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан 71 нафар тадбиркор 2 кун, 28 нафар тадбиркор 3-5 кун, 2 нафар тадбиркор 5-10 кун, 4 нафар тадбиркор 10 кундан кўп муддатда ҳисобот топшириш учун вақт сарфлашганлигини билдиришган

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш амалдаги қонун ҳужжатлари билан қатъий тартибда солинган бўлса-да, бироқ назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан тадбиркорлик субъектлар фаолияти ноқонуний равишда текширилган. Сўровда бундай текширишларнинг 116 нафари солиқ идоралари, 9 нафари ёнғинга қарши кураш, 47 нафари давлат санитария-эпидемология, 9 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари томонидан ўтказилганлиги аниқланди.

Текширишлар бир йилда бир маротаба ўтказилиши белгилаб қўйилганига қарамай, айрим идоралар бу тартибга риоя этмаган. Масалан, сўралган тадбиркорларнинг 81 нафари бир йилда икки маротаба, 59 нафари 3-5 маротаба, 11 нафари 6-10 маротаба ва 4 нафари (2,1%) 10 маротаба ноқонуний текширув қилишди. Шунингдек, 49 та ҳолатда текширувчилар текшириш ўтказиш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларини тадбиркорларга танишиш учун тақдим этмаган.

Назорат қилувчи идоралар ходимларига **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"** тўлдириш учун тақдим этилганда, 138 та ҳолатда улар текшириш ўтказмай қайтиб кетишган.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларининг ўзлари томонидан бузилаётганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир. Масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари томонидан 126 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилмай туриб тадбиркорларнинг фаолияти текширилган. Шунингдек, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 101 нафари тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган масалалар бўйича назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоларларнинг мансабдор шахслари томонидан хизмат хоналарига чақирилган.

Сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 76 нафари норасмий шахслар томонидан уларнинг фаолиятини тўхтатиш йўли билан қўрқитиш ёки бошқа шаклларда тазйиқ ўтказиш ҳолатлари борлигини айтишган.

15 нафари рўйхатдан ўтишда, 21 нафари лицензия (рухсатнома) олишда, 6 нафари ҳисобот топширишда, 1 нафари ер ажратишда, 24 нафари кредит олишда, 4 нафари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишда, 60 нафари бозорда савдо жойи олишда, 8 нафари хомашёга рухсат олишда, 12 нафари солиқ идоралари текширганда, 12 нафари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар текширганда, 11 нафари давлат санитария-эпидемология идоралари текширганда, 2 нафари энергоназорат идоралари текширганда, 2 нафари ёнғинга қарши кураш идоралари текширганда, 2 нафари савдо қилиш учун рухсатнома олишда, 3 нафари бино ва иншоотларни кадастр хизматида рўйхатидан ўтказишда, 2 нафари архитектура органларидан қурилиш учун рухсатнома олишда, 10 нафари электр тармоғига уланиш учун рухсатнома олишда, 6 нафари газ тармоғига уланиш учун рухсатнома олганда, 12 нафари хусусийлаштиришда, 29 нафари божхона расмийлаштирувида, 15 нафари банк шартномаларини рўйхатга олишда ва 19 нафари бошқа ҳолларда таъмагирликка дуч келганлигини қайд этишган.

33 нафар тадбиркор банкдаги ўз маблағларидан эркин фойдалана олмаётганликларини, 44 нафари эса шартномага асосан топширган маҳсулот (хизмат)лари учун ўз вақтида пул ололмаётганлигини билдиришган.

СУРХОНДАРЁ

Adliya tizimi

2002 йилнинг биринчи чорагида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан келган ариза ва шикоятларни текшириш натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан ҳокимият идораларига 15 та тақдимнома киритилди.

Жарқўрғон туманида яшовчи фуқаролар Ж. Чоршанбиев ва К. Маҳмудовлар амалдаги қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда масъулияти чекланган жамиятнинг "Анҳор" фирмасини ташкил этишган. Ушбу фирма туман ҳокимининг 1995 йил 24 июлдаги 516-сонли қарори билан рўйхатга олинган. Тумандаги "Лаззат" ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1976 йилда қурилган 6-сонли ошхона биноси 1995 йил 30 июнда давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан К. Маҳмудов ва Ж. Чоршанбиевларга хусусийлаштириб бериш тўғрисида 501-сонли мулк ҳуқуқини берувчи ордер билан тасдиқланган. 1993 йил 2 мартда К. Маҳмудовга 226-сонли мулкка эгалик қилувчи ордер ҳам берилган. Мазкур ордерлар вилоят хўжалик судининг 1998 йил 4 февралдаги 4/1-сонли қарори билан ҳақиқий эмас, деб топилиб, бекор қилинган. Ошхонани хусусийлаштириш эса туман ҳокимлиги қошидаги хусусийлаштириш бўлими зиммасига юклатилган. Бу иш юзасидан хўжалик судининг 1996 йил 28 февралда чиқарган қўшимча ҳал қилув қарорига кўра, ошхона қайта хусусийлаштирилгунга қадар "Анҳор" фирмаси балансида қолдирилган. Хўжалик судининг қарорлари ижроси учун давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси Жарқўрғон туман ҳокимлиги қошидаги хусусийлаштириш бўлимига юборилган қарорларни К. Қодиров (29.02.98 йил) шахсан имзо қўйиб қабул қилган. Аммо хўжалик судининг қарорлари ушбу идора раҳбарларининг локайдлиги туфайли ижросиз қолиб кетган. Оқибатда тадбиркорлар К. Маҳмудов ва Ж. Чоршанбиевлар тўрт йил давомида турли идораларга нажот излаб шикоят ёзишган. Вилоят адлия бошқармасига йўлланган ариза бўйича текшириш ўтказилиб, 2001 йил 10 декабрда Жарқўрғон туман ҳокими номига аниқланган қонунбузарликни бартараф этиш ва тадбиркорни амалдаги қонунлар билан қўллаб-қувватлаш тўғрисида тақдимнома киритилган. Аммо ҳоким муовини Ш. Чориев томонидан тақдимномани кўриб чиқиш муддати асоссиз равишда бузилган. Шундан келиб чиқиб, вилоят адлия бошқармаси туман прокурори номига Ш. Чориевни МЖТКнинг 198-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритди.

* * *

Шўрчи туманидаги "Ободон" ширкат хўжалиги Шалдироқ маҳалласида истиқомат қилувчи Ойсанам Абдужалилованинг Адлия вазирлигига йўллаган аризаси ўрганиб чиқилди. Ғап шундаки, фуқаро О. Абдужалилова ширкат хўжалиги бошқаруви ва туман ҳокимлигига ер ажратиб беришни сўраб ариза билан мурожаат қилган. Аммо у ўз аризасига тегишли жавобни олмагач, вилоят ҳокимлиги ва бошқа ташкилот ҳамда идоларга мурожаат қилган. Улардан ёзма равишда жавоблар ҳам олган. Аммо "Ободон" ширкат хўжалиги бошқаруви ер ажратиш тўғрисида имконият йўқлиги ҳақида оғзаки жавоб билан чегараланганлиги текшириш давомида аниқланди. Адлия бошқармаси ушбу текширув натижаларига кўра, "Ободон" ширкат хўжалиги бошқарув раиси М. Юсупов номига 2001 йилнинг сентябрида киритган тақдимномаси бажарилмай қолди. Шунингдек, Шўрчи туманидаги "Тойлоқ" фермер хўжалиги бошлиғи И. Ғозиддиновнинг шикоят хатини текшириш натижаси бўйича туман ҳокими ва Х. Хўжамиёров номидаги ширкат хўжалиги бошқарув раиси номига 2002 йил январ ойида киритилган тақдимнома натижалари ҳақида маълумотлар берилмаган. Бу ҳолатлар бўйича вилоят адлия бошқармаси туман прокурорига мансабдор шахсларни МТЖКнинг 198-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилди.

Zamon savollari

ПОСАНГИНИ БУЗГАН КИМ?

Сирдарё вилояти деҳқонларини минерал ўғитлар ҳамда бошқа кимёвий дорилар билан таъминлаш билан шуғулланувчи вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмаси ва унинг филиаллари раҳбарлари бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир қадамни ўйлаб босиш, ҳар бир ҳаракатни тошу тарозига қўйиш лозимлигини хотираларидан фаромуш этган кўринишади, шекилли. Акс ҳолда маҳсулот етказиб берувчи корхона ва мижозлар билан тузилган шартнома шартларига қатъий риоя этган, Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари талаб қилганидай кредиторлик ва дебиторлик қарзларининг ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймаган бўлишарди. Уларнинг ҳозирги ҳолати эса тарозининг посангисини бузиб қўйган ва уни созлайман деб гоҳ у паллага, гоҳ бу паллага тош ташлаётган, лекин укувсизлик оқибатида бирор иш чиқара олмаётган кишининг аҳволини эслатади.

Келинг, корхона фаолияти билан яқинроқ танишайлик. "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамияти 2001 йилда минерал ўғит ва кимёвий дорилар етказиб бериш юзасидан қишлоқ хўжалик корхоналари ва фермер хўжаликлари билан 3115 та шартнома тузган. Шартнома шартларига асосан 37650 тонна азотли, 10480 тонна фосфорли, 1217 тонна калийли ўғитлар етказиб берилиши лозим бўлса-да, амалда 3511 тонна азотли, 3575 тонна фосфорли, 719 тонна калийли ўғитлар етказиб берилмаган. Бунинг асосий сабаби шартномаларни тузиш ва расмийлаштириш, қонуний ижросини таъминлашда қонунбузарлик ва расмиятчиликка йўл қўйилганлигидир. Жумладан, аксарият шартномаларни тузиш ва уни расмийлаштиришда **"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида"**ги Қонун ва Фуқаролик Кодекси талаблари бузилган. Масалан, бирлашма ва "Ўзкимёсаноат" давлат акциядорлик компаниясининг "Электрокимёсаноат" ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида 2002 йил 27 февралда тузилган шартномада қонун талабларига зид равишда шартнома предмети бўлган минерал ўғитлар тури, миқдори ва етказиб бериш муддатлари кўрсатилмаган ҳамда шартноманинг ажралмас қисми бўлган илова қўшилмаган. Шунингдек, 2001 йил 30 ноябрда Республика кимё маҳсулотлари заҳира базаси билан ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини етказиб бериш тўғрисида шартнома имзоланган. Лекин бу шартномада ҳам қандай кимёвий восита етказиб берилиши, миқдори ва сўммаси умуман кўрсатилмаган. Шартнома ҳуқуқий экспертизадан ўтказилмаган, ҳуқуқшунос маслаҳатчи томонидан хулоса берилмасдан ижрога қабул қилинган. Бундай нуқсонларни 2002 йил 1 январ куни Ўзбекистон Темирйўллари давлат акциядорлик компанияси ва 2002 йил 3 март куни Махсус авиация ишлари авиакомпанияси билан тузилган шартномаларда ҳам кўриш мумкин.

Акциядорлик бирлашмаси раҳбарлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 июлдаги **"Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзлар пайдо бўлганлиги учун вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"** ги қарори талабларининг тўлиқ бажарилиши етарлича назорат остига олинмаганлиги янада қимматга тушмоқда. Ушбу қарорнинг 6-бандида муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чоракда ўзаро солиштириб чиқиш, товар олингандан сўнг тўқсон кун мобайнида етказиб берилган маҳсулотнинг тўлиқ қиймати хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тўланадиган ҳолларда тартибни бузувчи корхоналарга илгари берилган маҳсулотнинг барча қиймати олинишига қадар тўхтатиб қўйилиши назарда тутилган бўлса-да, бирлашма ва унинг филиаллари ҳамда бош ҳисобчилари томонидан бу талаб бузиб келинган. Натижада 2002 йил 1 январ ҳолатига кўра минерал ўғит ишлаб чиқарувчи «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирлашмасидан 605 миллион 846 минг 653 сўм, Олмалиқ аммафос заводидан 514 миллион 956 минг 318 сўм, «Чирчиқ электрохим» заводидан 139 миллион 649 минг 883 сўм, "Навоийэлектрохим» заводидан 26 миллион 124 сўмлик кредиторлик ҳамда бошқа ташкилотлардан 27 миллион 929 минг 302 сўмлик дебиторлик қарзлари юзага келган. Корхонанинг Сайхунобод, Ш. Рашидов, Оқолтин, Мирзаобод, Меҳнатобод, Гулистон, Боёвут туман филиалларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб кетган. Буни фақат корхона раҳбар ва мутахассислари томонидан етказиб берилган маҳсулотлар учун тўловларни Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Фармони талабларига риоя этмаслик, маҳсулот қиймати нинг 15 фоизини олдиндан ундириб олмаслик, муқаддам олинган маҳсулот учун узил-кесил ҳисоб-китоб қилмасдан яна маҳсулот бериб юборилавергани билан изоҳлаш мумкин.

Биз боя минерал ўғитларнинг шартномада кўрсатилганидан бир мунча кам олинганига эътибор қаратган эдик. Ўлганнинг устига тепган деганларидек, келтирилган минерал ўғитлар тақсимотида ҳам нотекислик, нохолислик ҳолатларини кўришимиз мумкин. Айрим ходимларнинг минерал ўғитларни бировга "қўллатиб", бировга эса "чўллатиб" тақсим қилиш ҳоллари учрамоқда. Боёвут туманидаги "1-Боёвут" ширкат хўжалиги шартномада кўрсатилганидан 25 фоиз, "3-Боёвут" ширкат хўжалиги 14 фоиз, "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги 35 фоиз, "Фазо" фермер хўжалиги 82 фоиз кам минерал ўғит олган. Энг ачинарлиси, "Наврўз" фермер хўжалиги 2001 йил ҳосили учун 19,1 тонна, 2002 йил ҳосили учун 18 тонна ўғит олиш учун бирлашма ҳисоб рақамига 1 миллион 259 минг 509 сўм маблағ ўтказган бўлса-да, бир ҳовуч ҳам минерал ўғит ололмаган. Бироқ "Садаф", "Гараша", "Саховат", "Қодир" фермер хўжаликларига режадан ташқари минерал ўғит бериб юборилган. Оқолтин туманидаги "Обод" фермер хўжалиги 2001 йилда 4,4 тонна ўрнига 15,4 тонна азотли ўғит олган, лекин унга шартномадаги 0,9 тонна фосфорли ўғитнинг 1 килограмми ҳам берилмаган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Афсуски, корхона ва унинг филиаллари раҳбар ҳамда мутахассислари шартнома тузиш, таъминот масаласида ўтган йилги хатолардан тегишли хулосалар чиқариб олишмаяпти. 2002 йил ҳосили учун хўжаликлар ва фермер хўжаликлари билан минерал ўғит етказиб бериш бўйича 3400 та шартнома имзоланган бўлса-да, вилоят шартнома мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш давлат испекцияси томонидан 2810 та шартнома рўйхатга олинган, 590 та шартнома давлат рўйхатига олинмагани ва қонуний кучга кирмаганлиги ташвишланарли ҳол эмасми?!.

Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бундай қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан вилоят "Қишлоқхўжаликкимё" акциядорлик бирлашмаси раиси А. Абдусаломов номига тақдимнома киритганди. Вилоят прокуратураси ҳам бирлашмадаги камомадлар, талон-тарож қилиш каби ғайриқонуний ишларни бартараф этиш юзасидан тегишли тақдимнома киритганди. Ҳар икки тақдимнома бирлашмада муҳокама қилинди. Бирлашма раисининг тегишли буйруғи билан Меҳнатобод туман филиали раҳбари Ш. Раҳматуллаев ва филиал бош ҳисобчиси Н. Хўжамбердиевлар билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинди. Бирлашма раисининг ўринбосари Ж.Юсубалиев, таъминот бўлими бошлиғи Н.Орипов, шартнома ва ҳуқуқ бўлими бошлиғи Д. Нутанов, Сайхунобод, Сирдарё, Ховос, Боёвут туман филиаллари раҳбарлари Х. Маматқулов, Д. Жулматов, Б. Низматов, А. Пиримқуловларга ҳайфсан эълон қилинди.

Биз мақоламиз бошида посангини бекорга эслатмаган эдик. Бундай посанги бузишлар корхонага ҳам, унинг мижозлари бўлган деҳқон ва фермерларга ҳам, қолаверса, давлатга ҳам қимматга тушаётганлигини эслатмоқчимиз, холос.

Тоғаймурод ОРТИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири,
Комил БОТИРОВ,
ҳуқуқшунос



"ҚАЧОН ФЕРМЕР БЎЛАМИЗ?.."

Tahririsiz maktub

Мен 1990 йилдан буён Орзи Маҳмудов номидаги ширкат хўжалигининг 16-бригадасида звено бошлиғи бўлиб ишлаб келаяпман. Мустақилликка эришганимиздан кейин қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам ислоҳотлар амалга оширилгани кўплар қаторида бизни ҳам хурсанд қилди. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг бир неча қарорлари чиққач, биз 1992 йил 21 феврал куни Каттақўрғон туман ижроия қўмитаси қарорига асосан "Баҳор" фермер хўжалигини туздик. Фермер хўжалигининг низоми тасдиқланган бўлиб, қарорга ўша пайтдаги ижроқўм раиси Ш. Остонов имзо чеккан эди. Бироқ қарорда хўжаликнинг чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариши кўзда тутилгани боис ҳисоб рақами очилмай қолди. Афсуски, ўша вақтдаги айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги билан ҳанузгача қарор ижроси амалга оширилгани йўқ.

1999 йилда жамоа хўжалигимиз ширкат хўжалигига айлантирилгач, мен оила аъзоларим билан маслаҳатлашиб, хўжалик раисига ер олиш тўғрисида ариза ёздим. Хўжалик раҳбарияти 16-бригада ҳудудидаги ўн уч гектар қўриқ ерни ўзлаштиришга рухсат берди. Мазкур ерда шартнома асосида меҳнат қила бошладик. Ўша йили бригада бошлиғининг рухсати ва тавсияси ҳамда мен бошчилик қилаётган бўлимнинг барча аъзолари талабларига асосан фермер хўжалигини ташкил қилиш мақсадида ширкат хўжалиги раиси Ш. Очиловга ёзма мурожаат қилдик. Аммо раис "бу масалани умумий йиғилишга қўйиб кўпчиликнинг фикрини олгач, албатта, фермер хўжалиги ташкил қилишингизга рухсат берамиз. Бироқ озгина шошмай туринг, туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Н. Элмаматов рухсат берса бўлгани", дея тинчлантирган бўлди. Лекин буни қарангки, кўп ўтмай ишда йўл қўйилган хато ва камчиликлари очилиб қолгач, хўжалик раҳбари Ш. Очилов вазифасидан олиб ташланиб, унинг ўрнига туман ҳокимининг ўринбосари Н. Элмаматов раис этиб сайланди. Аммо ҳамон фермер хўжалиги ташкил қилиш йўлидаги ҳаракатларимиз самара бермаяпти. Бу ҳақда янги раисга мурожаат қилганимда, ундан "ҳеч қандай фермер хўжалиги ташкил этилмайди. Чунки бу ҳақда туман раҳбарияти билан маслаҳатлашиш лозим. Мен эса барибир "фермер хўжалик"ка қаршиман. Шундоқ ҳам ширкат хўжалигимизда қирққа яқин фермер хўжаликлар фаолият юритаяпти", деган жавобни олдим.

Мана, уч йилдан буён ширкат хўжалиги билан шартнома асосида чек усулида ишлаб келаяпман. Лекин ўтган йилларда режани ортиғи билан бажарган бўлсам-да, кўрилган фойда маблағини ололганим йўқ.

1999 йилдан 2002 йилнинг 16 февралига қадар бир неча марта 16-бригада аъзолари йиғилишини ўтказиб, ишчиларнинг розилиги билан қарор нусхаларига имзо қўйдириб, хўжалик раҳбарига тақдим қилиб келаётганимга қарамасдан у розилик бермаяпти. Бунинг устига 2001 йил 12 январ куни мавжуд 13 гектар ерни хўжаликнинг собиқ раиси имзоси ва муҳри билан 2006 йилга қадар шартнома тузиб, хужжатлаштириб қўйди. Шартномага асосан 2002 йилда бу ерга пахта экдик ва шу кунгача икки марта культивациядан чиқардик.

Мана, 2002 йилнинг ярми ҳам якунланиш арафасида. Яқин кунларда хўжаликда вакиллар йиғилиши ўтказилади. Бригада ишчилари ва бўлим аъзоларим билан маслаҳатлашиб, хўжалик раҳбарига яна бир бор ёзма мурожаат қилмоқчимиз. Аммо барчамизнинг кўнглимизда ўша ҳадик: раис фермер хўжалиги ташкил қилишимизга рухсат берармикан?

Биз эса фермер хўжалиги ташкил қилишни жуда-жуда хоҳлаймиз ва бу борада таҳририятдан мадад кутамиз.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ,
Каттақўрғон тумани

НОЧОР ҚОЛГАНГА ҚОНУН ҚАЛҚОН!

ҚЎЛ БИЛАН БЕРИБ, ОЁҚ БИЛАН ЮГУРИШ СЕРКА БУВАГА АНЧА ҚИММАТГА ТУШДИ...

Азалдан маълумки, деҳқончиликда ер билан ернинг, йил билан йилнинг фарқи бор. Кўп йиллик ҳаётий тажрибасида Серка бува бунга узил-кесил амин бўлган. Болаликдан ўзи тупроқ кечиб ўйнаб-ўсган, туғилган ери шарт-шароитини яхши билган отахон 1997 йилда фермер хўжалиги тузиб, уни яхши ниятда "Ғалаба" номи билан атаганди. Шундан буён ўн бир гектар майдонда оила аъзолари билан мустақил меҳнат қилиб келишади.

Кези келганда, бир гапни айтиш керак: Серка бува даласидаги шароит, об-ҳавонинг кейинги йилларда қурғоқчил келиши мумкинлигини ҳисобга олишга одатланган. Бунинг учун у ҳар эҳтимолга қарши чора ахтаради. 2000-2001 йиллар қишлоқ хўжалиги учун қурғоқчилик вужудга келди. Ўшанда фермер "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компанияси Пастдарғом туман бўлими билан қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг ихтиёрий суғуртаси тўғрисида шартнома тузиб қўйган эди. 2000 йилда фермер хўжалиги ғалла ва пахта учун 32 минг 354 сўмлик, 2001 йилда эса 227 160 сўмлик суғурта бадалларини тўлаган. Ҳар икки йилнинг суғурта тўловлари бўйича жами суғурта миқдори 759 минг 540 сўмни ташкил қилди. Агар табиий офат, қурғоқчилик туфайли фермер хўжалиги кўзда тутилган ҳосилни ололмаса, ана шу суғурта миқдорини суғуртачилар тадбиркорга тўлашлари керак эди.

Деҳқон меҳнатга қуйиб қолишни ҳеч қачон истамайди. Ҳосил бўлмай кетса, суғуртачилар тўлайди, деб бепарво қўл қовуштириб ўтирмайди ҳам. Бу — ҳақиқий деҳқон табиатига мутлақо ёт ҳол. Серка бува ҳам ҳосил мўл бўлса, шунинг орқасидан рўзғорига бойлик, барака келишини яхши билади.

2000 йилнинг кўкламида фермер 6 гектар майдонга чигит қадаганди. 5 май куни Серка бува суғурта компанияси туман бўлими агрономи И. Очилов, туман деҳқон-фермерлар уюшмаси агрономи F. Худоёровларни ўзининг даласига бошлаб келди. Улар чигит экилган майдоннинг аҳволи юзасидан далолатнома тузишди. Далолатномада фермер хўжалиги даласи зовур атрофида жойлашгани сабабли сизот суви кўтарилганлигидан ерни шўр босиши оқибатида чигит униб чиқмаганлиги, уруғни қайта экиш лозимлиги кўрсатилади. Шундан келиб чиқиб, фермер қайта чигит экади.

Орадан икки ойдан сал зиёдроқ вақт ўтиб юқоридаги мутахассислар яна Серка буванинг даласида пайдо бўлишади. Бу галги далолатномага табиатнинг қурғоқчил келгани, сувсизликдан пахтанинг гуллари тўкилиб кетгани қайд этилиб, зарарни суғурта компанияси туман бўлимидан қоплаш зарурлиги қайд этилади. Энди ўзингиз бир тасаввур қилинг: деҳқон емай-ичмай, ҳосил мўл бўлсин, деб харажат устига харажат, меҳнат устига меҳнат қилса-ю, кутган ҳосилини олмаса, бундан ёмони бўлмайди. Бу ташвишларга фермер хўжалиги раиси С. Ҳамроев ва унинг аъзоларининг ҳам кўзлари учиб турмаганди.

Мутахассислар билан тузилган далолатномалар нусхаси Серка бувада ҳам, суғурта компанияси туман бўлимида ҳам бор. Аммо бундан бирон-бир натижа бўлмаса, қийин экан. Энди фермер қишлоқ билан туман маркази суғурта бўлими оралиғида қатнай бошлади. Тадбиркор шартнома шартларини бажаришни суғуртачилардан сўраб, жонларига тегавергач, у ердагилар шартномада кўзда тутилган миқдорининг бир қисми, яъни 165 минг сўмини тўлашган. Бу билан С. Ҳамроевга озгина тасалли беришади. Қарзнинг қолган катта қисми, яъни 594 минг 640 сўмни тўлашга келганда, суғуртачилар гирромлик қилишади. Юмшоқроқ қилиб айтганда, ишни пайсалга солишади.

— Агар суғурта идорасидагилар ғирромлик қилмаганида эди, — дейди С. Ҳамроев. — Мен эшикма-эшик адолат излаб юрмасдим. Улар шартномани бажаришга келганда, лафсизлик қилишгач, мен фақат қонундан мадад изладим.

Фуқаролик Кодексининг 915-моддасида мулкий суғурта шартномаси мажбуриятлари кўзда тутилган. Мазкур Кодекснинг 327-моддасида эса, пул мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарлик ҳам белгиланган. Унга кўра, бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриқонуний ушлаб қолиш ёки бошқача тарзда тўламаслик ана шу маблағлар миқдорига фоиз тўлашни талаб этади.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб, жавобгар — "Ўзагросуғурта" ДАСК Пастдарғом туман бўлимини хўжалик судига берди. Вилоят хўжалик суди фермер хўжалиги фойдасига суғурта компанияси туман бўлими ҳисобидан 594 минг 640 сўм асосий қарз, 297 минг 320 сўм устама — жами 891 минг 960 сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди. Шунингдек, давлат божи ва суд харажатлари ҳам бўлим ҳисобидан ундирилди.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза: "Ўзагросуғурта" ДАСК туман бўлими (раҳбари Р. Раҳмонов)дан судда вакил иштирок этмади. Ажабланарли томони шундаки, фермер хўжалиги далолатларида суғуртачи мутахассислар аҳволини кўрган, тадбиркор эса улар эшигини қайта-қайта тақиллатиб борган. Суғурталовчилар суғурталанувчи ҳақ эканлигини билмаслиги мумкин эмас.

Бу суд ҳокимияти нуфузини тушунмасликми ёки тадбиркорга беписандликми? Нима бўлганда ҳам, тадбиркор ҳақ экан, ночор қолганда қонун унга қалқон бўлди.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Bugunning gapi

Qing`irlikning qiyig`i

ЎПҚОНЛИ "ЎЙИН"

Ўтган йилнинг ёз ва куз ойларига келиб Андижонда аҳолини нефт маҳсулотлари билан таъминлашда танқислик, ёнилғи қўйиш шаҳобчаларида узундан-узоқ навбатлар пайдо бўлиб қолди. Бунинг устига маҳсулотнинг сифати ҳам талабга жавоб бермасди. Бундай ҳолат вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларини қизиқтириб қолди ва бир неча тезкор тадбирлар ўтказилди.

Ўтказилган тадбирлар натижасида 2001 йил 13 ноябр куни Андижон нефт маҳсулотлари таъминоти базасининг 17 АС 171 давлат белгили автомашинаси Андижон туманидаги "ККС-94" фирмасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шаҳобчасига 5020 литр А-72 бензинини ҳеч қандай ҳужжатсиз олиб кетганлиги аниқланиб, жиноят иши қўзғатилди. Бу эса жуда катта миқдордаги давлат мулкини талон-тарож ва ўюшган жиноий гуруҳнинг очилишига сабаб бўлди.

Тергов даврида Андижон нефт маҳсулотлари таъминоти корхонаси омбор мудири лавозимида ишлаган Обид Умаровнинг зиммасида 61 миллион 876 минг 973 сўмлик 384 тонна нефт маҳсулоти камомад борлиги аниқланган. Хўш, бу қандай содир этилган?

— Корхонадан бир дона юк хати билан иккита автомашинада нефт маҳсулоти чиқарилаверган, — дейди вилоят ИИБ коррупция, товламачилик ва талон-тарож жиноятларини тергов қилиш гуруҳи терговчиси Зоҳид Ҳошимов. — Бу маҳсулотлар "ККС-94", "Эҳтиёж - ой-1", "Истиқлол", "Ал-Осиё", "Обод", "Темур Малик", "Ёш авлод" фирмаларининг ёнилғи қуйиш шаҳобчаларида ҳеч қандай ҳужжатсиз сотилган.

Шу билан бирга ўғирлик ёнилғилар ғайриқонуний йўллар билан қўшни Қирғизистон Республикаси ҳудудига ўтказиб юборилган. Натижада вилоятда ўша даврда нефт маҳсулотларининг суньий тақчиллиги юзага келган.

Аслида жиноятнинг илдизи қаерда эди?! Тергов даврида бу саволга жавоб топилиб, ўюшган жиноий гуруҳнинг асл қиёфаси очилди.

Гуруҳ раҳбари ва раҳнамоси Андижон шаҳридаги "Барака" хусусий ошхонаси ва Андижон туманидаги "Барака-А" хусусий фермер хўжалиги раҳбари Абдулла Ашуров бўлиб чиқди. У аввало ўзининг "қадрдон" таниш-билишлари орқали 2000 йилда Андижон "Автотеххизмат" ҳиссадорлик жамиятида автомашиналарни сақлаш бўйича оддий чилангар уста бўлиб ишлаган, нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, тарқатиш бўйича тегишли малакага эга бўлмаган, ўрта маълумотли бўлса-да, ўз фамилиясини ҳам тўғри ёза олмайдиган укаси Икром Ашуровни нефт маҳсулотлари таъминоти корхонасига 4-тоифали оператор лавозимига ишга киритган. Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин уни шу корхонада барча нефт маҳсулотларига моддий жавобгар шахс — 5-тоифали оператор, яъни омбор мудири лавозимига тайинланишига эришган.

Икковлон жиноий тил бириктириб, 2000 йил давомида 200 тонна нефт маҳсулотларини талон-тарож қилишган. Абдулла Ашуров укасининг камомадини ёпиш ва енгил даромад манбаини йўқотмаслик ҳамда ундан фойдаланишни давом эттириш мақсадида антика бир "йўл" топди. Бу — товламачилик эди.

У укасининг тавсияси билан унинг ўрнига шу корхонада ишлаб турган содда, мўмин-қобил Обид Умаровни танлаб, 2001 йил март ойида яна таниш-билишлар ёрдамида уни ишга жойлайди. Табиийки, укаси билан ўзи ўзлаштирган камомад алдов йўли билан О. Умаровнинг "гарданига ўтади". Энди акаука камомадни ошкор қилиш билан қўрқитиб, Обид Умаровни жиноят йўлига бошлашади ва нефт маҳсулотларини қонунсиз чиқариб сотиш ҳамда пулларини ўзларига беришга мажбур қилишади.Шу тарика Абдулла Ашуров корхона мулкини зулукдай сўриб келиб, 42 миллион сўм атрофидаги маблағни ўзлаштириб юборади.

У товламачилик йўли билан топилган бу текин даромад эвазига хусусий ошхонасини таъмирлади, янги дўкон қурди, фермер хўжалигини кенгайтирди, қўшақўша "иномарка" машина минди.

А. Ашуровнинг ғайри қонуний талабларини бажариб, ҳуқуқ идораларига мурожаат қилмасдан зиммасидаги корхона мулкининг талон-тарож қилинишига йўл қўйган омбор мудири Обид Умаров ва унинг атрофидаги жами 26 киши корхонанинг 61 миллион сўмлик мулкининг йўқ қилиниши ҳамда истеъмолчилар манфаатларига зиён етказганлиги учун айбланиб, ишлари судга оширилди. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг ҳукми билан барча — 26 нафар судланувчига тегишли жазо тайинланди.

Ҳалол билан ҳаромнинг фарқига бормай, нафси ўпқонга айланган "зулук" Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси ходимларининг ҳушёрликлари туфайли фош этилди. Ҳар кимга ҳам ҳалолидан берсин, дейди халқимиз. Ҳалол бойишга не етсин. Инсофдан чиқиб, нафси ҳақалак отган товламачиларни эса қонун эртами-кечми, барибир тўғри йўлга солиб қўяди.

Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Islohot dovonlari

ЎЗАРО ИШОНЧ - ТАДБИРКОРЛИК АСОСИ

Яқинда Хоразм вилояти шаҳар ва туманларида Адлия вазирлиги томонидан ўтказилган сўровнома ва унинг таҳлилига бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Сўровнома ва ундан олинган якуний хулосалардан ҳали вилоятда тадбиркорлик ҳаракати бугунги кунининг юксак талабларидан бироз орқада экани, бунинг устига турли тўсиқлардан тўла халос бўлмагани аён бўлди. Мисол учун айтадиган бўлсак, 1062 нафар ўрта ва кичик бизнес соҳиблари саволларга жавоб берди. Аниқланишича, хусусий корхона ва хўжаликлар белгиланган муддатларда давлат рўйхатидан ўтказилмаган, кўпгина ҳолларда эса бунинг учун ортиқча ҳужжатлар талаб қилинган. Шунингдек, сўровномада иштирок этган 33 фоиз тадбиркорлар ўзларига тегишли маблағлар розилик олинмаган ҳолда ишлатиб юборилганидан норози эканларини маълум қилишди. Янгиариқ туманида эса ушбу саволга жавоб берган тадбиркорлар ўз маблағларига бошқалар эгалик қилганини рўй-рост баён этишди. Сўровлар натижасида ноқонуний текширишлар ҳам анчагина экани маълум бўлди. Чунончи, йил мобайнида 1062 та тадбиркорлик субъектининг 372 тасида қонунда белгиланмаган тарзда ёки таъмагирлик ниятидаги текширишларга йўл қўйилган. **"Текширишларни рўйхатга олиш Китоби"**ни тўлдириш таклиф этилганда эса, 340 нафар "назоратчи" бундан бош тортган. Сўровда иштирок этганларнинг 275 нафари тадбиркорлик фаолиятини "ўрганиш" баҳонасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат маҳкамалари ходимларининг хизмат хоналарига чақирилган. Шундан 152 нафар тадбиркор эса турли тазйиқ ва таҳдидларга дучор этилган.

Айрим шаҳар ва туманларда тадбиркорлик ҳаракатига эътиборсизлик ва панжа ортидан қараш ҳоллари ҳам учрайди. Ортиқча ҳужжатларни талаб қилишдан иборат қоғозбозлик "касал"и Урганч шаҳри, Янгиариқ, Янгибозор туманларида анча «хуруж қилаётгани» аниқланди. Тадбиркорларнинг ҳисоботларини қабул қилишни асоссиз равишда чўзиб, сансалорликни авжига чиқараётганларнинг олдинги сафида Урганч шаҳри бораётгани ниҳоятда ачинарлидир. Вилоят марказида аҳвол шу бўлгач, бошқа шаҳар ва туманлар кимдан ибрат ва андоза олсин? Сўровларга жавоб давлат солиқ идоралари, маҳаллий ҳокимликлар, ҳуқуқ муҳофазаси маҳкамалари, санитария хизмати ва ёнғинга қарши курашиш муассасалари ходимлари шаънига ҳам аччиқ сўзларни битган бўлиб, бу мазкур идоларнинг ходимларини сезгирлик, ҳушёрлик, замонавийлик, иш услубини ўзгартириш ва тадбиркорлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ундайди.

Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди, деб бежиз айтишмаган. Шундай экан, вазият билан ҳисоблашмасликка, бор нарсани йўқ, дейишга ҳаққимиз йўқ. Ўтказилган сўровнома ва уларнинг таҳлили барча мутасаддиларни огоҳликка чорламоғи, адолат ва қонуний фаолиятга ундамоғи зарур.

Баъзан ишбилармонлар фаолиятига шубҳа билан қараш, уларни ҳуда-беҳуда ёмонотлиққа чиқариш ҳоллари ҳам мавжуд экан. Аммо шуни ҳам рўй-рост айтмоқ жоизки, ер-мулк нўноқ ва чаласавод "тадбиркор"лар қўлига эмас, балки ўзининг ҳақиқий эгалари, элим, юртим, дея яшаётган ҳалол, фидоий ва меҳнатсевар кишилар қўлига ўтсагина яхши самара беради. Бу билан элда бировларнинг "соя"сига ишонган ҳолда иш юритишни ўйлайдиган арзанда "тадбиркор"лар ҳам борлигини билдириб қўймоқчимиз, холос. Маълум бўлишича, ҳалол ва уддабурон ишбилармонларнинг обрў-эътиборини айнан шундай нўноқ мулкдорлар тўкаётгани ҳам сир эмас. Айрим мутасадди идораларда ер-мулк эгаларини турриладиган имтиёзларни кўзланган ҳолда тузилаётгани кишини ажаблантиради. Афсуски, деҳқон-фермер ва ширкат хўжаликлари билан тузилган шартномаларда маҳсулот етказиб бериш муддати, миқдори ва нархи кўрсатилмагани маълум бўлди. "Пахтабанк"нинг мазкур туман бўлими "Дилшод" фермер хўжалигига кредит бериш масаласида қонунбузарликка йўл қўйган. У кредит маблағини ажратмай туриб, ўзининг бўлғуси мижозидан ҳисобот талаб қилган. Тўғри, бундай ҳисоботни сўрашга банкнинг ваколати бор. Бироқ у хўжалик субъектининг сўнгги ярим йиллик фаолияти акс эттирилган ҳисоботларнигина сўрашга ҳақли. "Дилшод" фермер хўжалиги эса банкка 2001 йилнинг август ойида туман солиқ инспекциясига топширилган ҳисоботнинг бир нусхасини тақдим этиб қўя қолган, холос. Банк раҳбарлари бу ҳолдан тўла қаноат ҳосил қилишган. Бу сингари камчиликлар банк фаолиятида анчагина. Туман деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмасининг иш юритиш услуби ҳам антиқа тус олган. Мазкур уюшма 40 гектар саҳнли "Орол" ва 24 гектар саҳнли "Анвар" фермер хўжаликлари экинзорлари учун бир хил, яъни ҳар бирига 5 тонна ҳажмида ёнилғи ажратганини ноҳақликдан бошқа нарса эмасми?

Ўтган йиллар мобайнида Янгиариқ туманида ҳам тадбиркорлик ҳаракати кенг ривожланди. Туманда тадбиркорлик билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар сони 1000 дан ошди. Афсуски, кейинги ойларда киши дилини ранжитадиган ҳоллар ҳам мумкин.

Туман давлат санитария эпидемиология хизмати 2001 йилнинг 14 февралида "Ғанижон" хусусий фирмаси сотувчиси С. Маткаримовага 7350 сўм миқдорида жарима солиш ҳақида қарор чиқарган, бироқ у ижро қилинмаган. Аммо жарима роппа-роса 10 ой-у 14 кундан сўнг ундирилган. Бироқ у энди ноқонуний. Негаки, бундай жарималар уч ой муҳлат ичида ундирилмоғи лозим. Қонунчилик шуни талаб қилади. Ҳолбуки, у уч ой муддат ичида бажарилмаса, ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Туман санитария-эпидемиология хизмати ходимлари йўл қўйган жиддий хатони энди билиб олгандирсиз. Ҳа, "СЭС"чилар амалда мавжуд бўлмаган қарор билан С. Маткаримовани ноўрин жазолашган. Бундай кўргулиққа тадбиркор А. Абдуллаев ҳам дучор бўлган. Ундан 5000 сўм миқдордаги жарима қарор ўз кучини йўқотганидан, яъни 4 ойу 19 кун ўтгандан кейин ундирилган.

Тадбиркорлик равнақи йўлида мавжуд бўлган айрим камчилик ва нуқсонларни баъзи ариза ва шикоятлар орқали аниқлашга мувоффақ бўлинаётганини ҳам алоҳида қайд этмоқ даркор. Бундай мурожаатлар фуқароларнинг ҳуқуқий савияси ортаётганидан дарак беради. Адлия бошқармасига ўз экин майдонларини кенгайтириш мақсадида мурожаат қилган фермер Қадамбой Машарипов, ўз ҳамкоридан тегишли ҳақини ундириб ололмаётган ишбилармон Ўрозбой Ҳайитбоев, худди шундай тарзда "Урганч—экскаватор" акциядорлик жамияти раҳбарларининг боқи-беғамлик жабрини тортган ҳазорасплик якка тадбиркор Абдулла Отажонов, фермер хўжалигини ривожлантириш ниятида кредит сўраб, банкка мурожаат қилган ва бир неча ойлар мобайнида талаби қондирилмай келган қишлоқ ишбилармони Ўрозбой Оллоёровлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида дадил ҳаракат қилганлари боис ишларидаги рўёбга чиқди. Хўжалик ва фуқаролик ишлари бўйича судлар ҳукмига ҳавола этилган барча даъво аризалари асосли, деб топилган. Аксарият аризаларни кўриб чиқиш жараёни ҳали давом этмоқда.

Ўрта ва кичик бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятига тааллуқли қонунлар тадбиркорлик равнақи учун хизмат қилишга қаратилган экан, унинг талабларини бажаришдан ҳам кўра муҳимроқ вазифа бўлмаса керак. Одамларда шунга нисбатан ишонч қанчалик эрта уйғонса, бунинг самараси ҳам шунча эртароқ кўринади.

Одилбек КАРИМОВ,
Хоразм вилоят адлия бошқармаси бошлиғи,
Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

РЕНТА ШАРТНОМАСИ НИМА?

ЁКИ УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТ ТАРИХИ ХУСУСИДА

Мамлакатимизда бозор муносабатларини тартибга солиш ва ривожлантиришга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган қонунлар орасида 1997 йил 1 мартидан амалга киритилган Фуқаролик Кодекси алоҳида ўрин тутади. Мазкур Кодекснинг ҳуқуқий адабиётда "бозор муносабатларининг конституцияси" деб эътироф этилиши бежиз эмас. Чунки у бозор иқтисодиётига хос товар-пул шаклидан иборат ҳамда ҳақ эвазига амалга ошириладиган, иштирок этувчилари тенг ҳуқуққа эга бўлган эркин мулкий муносабатларининг асосий қоидаларидан ташкил топган. Хусусан, Фуқаролик Кодексининг 32-бобида рента шартномаси тушунчаси, унинг бозор иқтисодиёти шароитида тутган ўрни, аҳамияти, турлари, мазмуни, шартлари, уни тузиш тартиби, шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, у бажарилмаган ёки муайян даражада бажарилмаган тақдирда вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларга оид масалалар кенг ёритиб берилган.

Кези келганда айтиш жоизки, рента шартномаси ўрта асрларда вужудга келгани тарихдан маълум. У инглизча "rent" сўзидан олинган бўлиб, ғарб мамлакатларида (Германия, Франция, Англия) алоҳида даромад келтириш, деган маънони билдиради. Бунда рента олувчи берувчига фойдаланишга берган ери учун олинадиган ҳақ назарда тутилади. Бизгача етиб келган манбаларда қайд этилишича, Европа қонунчилик тизимида рента шартномаси вужудга келишининг икки асосий сабаби кўрсатиб ўтилган. Машҳур француз цивилисти А. Морандьернинг фикрича, бундай сабаблардан бири — муомалада накд пулнинг етишмаслиги рента шартномасининг пайдо бўлишига олиб келган. Морандьер бу ҳақда шундай фикр билдирган: "Ўзининг кўчмас мулкини сотмоқчи бўлган мулк эгаси тўланиши керак бўлган нархни тўлашга рози бўлган олувчидан кўра, доимий рентани тўламоқчи бўлган олувчини топиш осонроқ бўлган, чунки нақд пул муомалада етарли бўлмаган".

Рента шартномаси вужудга келишининг иккинчи сабабини А. Морандьер черков, юқори табақа қонунчилиги каби судхўрларга бериладиган фоизли қарзларнинг таъқиқлаб қўйилгани билан изоҳлайди. Унинг фикрича, бу жиддий таъқиқ бўлган ва одамлар уни четлаб ўтишнинг турли усулларини ўйлаб топишган. Бу усуллар ўз навбатида рента шартномасини вужудга келтирган.

Рента шартномаси ҳуқуқий табиатига кўра, мулк ҳуқуқини ҳақ эвазига ўтказиш шартномалари билан муайян муддатга мулкни фойдаланишга бериш (ижара, аренда) шартномалари туркумини ташкил қилади.

Рента шартномасига нисбатан зарурат кишилар ўз мол-мулкларини ўзлари шахсан идора қила олмайдиган кексалик, ногиронлик, вояга етмаганлик, билим ва тажриба йўқлиги ёки идора қилишни хоҳламаган, аммо бир пайтнинг ўзида мол-мулкни сотиб юборишни, мулк ҳуқуқини ўзидан бегоналаштиришни ҳам истамаган вазиятларда вужудга келади. Бундай пайтларда мулкдор рента тўлови эвазига ўзини мол-мулк ташвишларидан холи қилади, айни вақтда эса рента тўловчи ушбу мол-мулкни идора қилишни ўз зиммасига олади, бундан ўзи ҳам, мулкдор ҳам фойда кўради.

Шуни айтиш керакки, рента шартномаси мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида вужудга келган янги ҳуқуқий институтлардан бири саналади. Бундан ташқари, у ривожланиб бораётган шартнома ҳисобланиб, унинг иқтисодий моҳияти ғоят муҳимдир.

Рента шартномасига мувофиқ бир тараф (рента олувчи) кўчмас ёки кўчар мол-мулкни бошқа тарафга (рента тўловчига) беради. Рента тўловчи эса олинган мол-мулк ўрнига рента олувчига вақти-вақти билан белгиланган пул миқдори ёки уни таъминлаш учун бошқа шаклда маблағ бериш тарзида рента тўлаш мажбуриятини олади.

Шартнома моҳиятидан келиб чиқиб шуни айтиш керакки, мулк ўтказилгач, рента олувчига шартнома бўйича ҳеч қандай мажбурият юкланмайди. Яъни оддий қарз шартномаси каби унда фақат ҳақ-ҳуқуқ қолади. Бундан хулоса шуки, рента бир томонлама шартнома ҳисобланади. Шартноманинг баҳоси эса мулкдорга мулки учун муайян миқдорда пул ёки бошқа шаклдаги тўлов тўлаб туриш орқали амалга оширилади. Рента шартномаси мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини беради.

Албатта, қонун бўйича рента шартномаси шаклига жиддий ёндашилган. Энг муҳими, шартнома нотариал тасдиқланиши, кўчмас мулкни рента тўлаш шарти билан бошқа шахсга беришни назарда тутадиган шартнома эса давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт. Ушбу талабнинг бажарилиши мажбурий саналади. Чунки рента шартномалари кўп ҳолларда қонун ҳимоясига муҳтож шахслар-руҳий касал, қаровчисини йўқотган қариялар, ногиронлар томонидан тузилади. Шунинг учун рента шартномаси фирибгарлар учун бойлик орттириш манбаига айланиб қолишидан эҳтиёт бўлиш керак. Бундан ташқари, рента олувчи шахслар ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўла билмаслиги ёки улардан фойдалана олмасликлари ҳам мумкин.

Демак, рента шартномасининг объекти — кўчмас ва кўчар мулк ёки уларнинг йиғиндиси тўловлар топширилган мулкнинг қийматига мос равишда кўп ёки озроқ бўлиши мумкин. Нега деганда, бир неча юз миллион сўмлик қийматга эга бўлган мулк билан оддий автомобиль учун тўланаётган рента ўртасида фарқ бўлиши табиий. Рента бўйича топширилаётган мулк учинчи шахс ҳуқуқларидан озод ҳолда бўлишини тақозо этади.

Қонунчиликда рента объекти сифатида ер томорқаси, корхона, бино, иншоот ва бошқа катта қийматдаги кўчмас ёки оддий кўчар мол-мулклар назарда тутилган.

Яна шуни айтиш керакки, фуқаролик ҳуқуқида мазмунан бир хил, аммо ўзига хос алоҳида хусусиятлари билан бир-биридан ажралиб турувчи рента турлари ҳам мавжуд. Улар доимий ва умрбод ренталар ҳисобланиб, таъминлаш шакли, таъминлашнинг энг кам миқдори, муддати, мажбурият субъектлари таркиби, ҳуқуқий ворислик ва уни сотиб олиш жараёнида мулкнинг фавқулодда нобуд бўлиши туфайли юзага келадиган ҳолатлар натижасидаги фарқларда намоён бўлади.

Хулоса сифатида шуни айтиш жоизки, бугунги ҳаётимизда рента шартномасини қўллашда баъзи бир муаммо ва тушунмовчиликлар юзага келмоқда. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун рента шартномаси тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш, унинг хусусиятларини ўрганиш катта амалий аҳамият касб этади.

Умидбек АБДУҒАФФОРОВ,
Азизжон ЭГАМБЕРДИЕВ

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ МУДДАТИ

Жиноят-процессуал қонунчиликда дастлабки тергов жараёни муҳим аҳамиятга эга. У жиноят иши қўзғатилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда амалга оширилади. Бу ҳол айбланувчи ва жабрланувчининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатларни холислик билан ҳар томонлама текшириб чиқишга замин яратди.

Жиноий иш айблов хулосаси билан ёки тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш учун судга юбориш тўғрисидаги қарор билан прокурорга топширилган ҳамда жиноий ишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилган куни дастлабки тергов тамомланади.

Шу билан бирга Жиноят-процессуал Кодекснинг 351-моддасида дастлабки тергов муддатига кирмайдиган ҳолатлар ҳам назарда тутилган. Жумладан, айбланувчи, ҳимоячи, шунингдек, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, фуқаровий жавобгар ва уларнинг вакиллари иш материаллари билан танишиб чиққан вақт, дастлабки тергов ўтказиш учун қайтарилган иш терговчига келиб тушгунга қадар ўтган вақт шундай ҳолатлар сирасига киради.

ЖПК 351-моддасининг 4-қисмида шундай дейилган: "Ушбу модданинг биринчи қисмида белгиланган дастлабки тергов муддати Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурори ҳамда унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин. Кейинчалик дастлабки тергов муддати фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан тўққиз ойгача узайтирилиши мумкин. Алоҳида ҳолларда содир этилган жиноятнинг оғирлигини ҳамда тергов қилинаётган ишнинг мураккаблигини инобатга олиб, дастлабки тергов муддати Ўзбекистон Республиаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин".

Яна шуни қўшимча қилиш лозимки, суд ишни қўшимча тергов ўтказиш учун қайтариб юборганда, шунингдек, тўхтатилган ёки тугатилган иш қайта тикланганда қўшимча тергов муддати тергов олиб бориш устидан назорат юритаётган прокурор томонидан мазкур ишни терговчи қабул қилган пайтдан бошлаб бир ой доирасида белгиланади. Бу муддатни янада узайтириш иш судга берилгунча, тўхтатиб турилгунча ёки тугатилгунга қадар ўтган тергов муддатини узайтириш ҳақидаги илтимосномани терговчи тергов муддати тугашидан камида ўн сутка олдин прокурорга топширади. Прокурор ўз имзоси билан илтимосномани қаноатлантиради ёки дастлабки терговни тамомлаб, ишни судга юбориш тўғрисида кўрсатма беради ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида қарор чиқаради.

Дастлабки тергов даврида расмийлаштириладиган процессуал ҳужжатлардан бири илтимоснома ҳисобланади. Илтимоснома кириш, тавсиф ва асосий қисмдан иборат. Кириш қисмида илтимосноманинг номланиши (тергов муддати ва айбланувчи шахсларни қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома), қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида ҳар бир айбланувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, илтимоснома тузилган жой, вақт, қайси тергов органининг терговчиси жиноят ишини тергов қилиши, жиноят ишининг рақами, қайси модда бўйича жиноят иши қўзғатилганлиги қайд этилади.

Илтимосноманинг тавсиф қисмида жиноят иши қачон ва қайси сабабларга асосан қўзғатилганлиги, қайси шахслар бу иш бўйича айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб этилгани, иш бўйича қандай далиллар йиғилганлиги ёки аниқланмаганлиги, жиноят иши бўйича уни тугатиш учун яна қандай қўшимча ҳаракатлар олиб бориш кераклиги, қандай экспертизаларни ўтказиш зарурлиги ва иш бўйича зарур процессуал ҳаракатлар амалга оширилиши қайд этилади ҳамда тегишли муддатда жиноят ишини якунлаш мумкин эмаслиги сабаблари асосланиб, тавсиф этилади.

Илтимосномада ЖПКнинг 247,351-моддаларига асосланиб "илтимос қиламан" деган жумла қайд этилиши шарт.

Асосий қисмида эса айбланувчининг қамоқда сақланиш муддати яна қанча муддатга узайтирилиши ва дастлабки тергов муддати қайси муддатгача узайтирилиши ёзиб қўйилади.

Хулоса сифатида айтганда, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб боришда тергов муддатлари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ишнинг пухта, холисона ва адолатли ҳал қилинишига замин яратади.

Илҳом ДУШАЕВ,
Отабек ҚОСИМОВ

Обидалар шукуҳи

Qonun tili

ЗАРУРАТ ВА ИМКОНИЯТ

Тил шундай ижтимоий ҳодисаки, у муттасил равишда ўзгариб боради. Бошқача айтганда, у ички ва ташқи омиллар ҳисобига бойиш хусусиятига эга.

Хусусан, тил чет тиллардаги сўзларни ўзлаштириш орқали ҳам тараққий этади. Бу ҳодиса чет тилдаги бирор сўз ёки атаманинг ўзбекча муқобили йўқ бўлган ҳолатда юз беради.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида матбуотда четдан кирган сўзларни ёппасига ўзгартиришга уриниш авж олди. "Аэропорт" "тайёрагоҳ"га, "институт" "олийгоҳ"га ўгирилди, баъзилар "район" ўрнига "ноҳия", баъзилар эса "туман" сўзларини ишлата бошлади. Бироқ "тайёрагоҳ", «ноҳия», "олийгоҳ" сўзлари ўзбек тилига сингишиб кетолмади. "Туман" сўзи эса тилимизда қайта тикланди. Шунингдек, "прокурор", "адвокат", "процесс" ва шунга ўхшаш кўпгина сўзларга ўзбекча муқобил ахтариш беҳуда эканлигини вақтнинг ўзи кўрсатди.

Шўролар ҳукмронлиги даврида баъзан соф ўзбекча сўзлар сиқиб чиқарилиб, ўрнига русча сўзлар киритилгани ҳам сир эмас. Мисол учун айтсак, мафкура — идеология, кенгаш — совет, котибият — секретариат, муҳаррир — редактор, фоиз — процент, бошқарув — правления деб ўзлаштирилди. Ҳозирги кунда бу атамалар қайта тикланиб, ўз ўрнида қўлланилмоқда. Шунингдек, айни пайтда автор — муаллиф, анализ — таҳлил, гарантия — кафолат, документ — ҳужжат, категория — тоифа, нейтралитет — бетарафлик, приватизация — хусусийлаштириш, традиция — анъана, юстиция — адлия, экономика — иқтисодиёт тарзида истефода этилаётганини ҳам қувонч билан таъкидлаш жоиз.

Аммо шундай халқаро атамалар ҳам борки, уларни таржима қилиш, муқобилини топиш анча мушкул юмуш. Мисол учун "объект", "субъект" сўзларини олиб кўрайлик. Улар фақат транслитерация қилинади, холос.

1997 йилнинг май ойида Президентимиз Ислом Каримов ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар ва журналистлар билан учрашув чоғида чет тиллардан кирган ва тилимизга ўзлашиб кетган атамалар ҳуқуқшунослик соҳасида ҳам анча-мунча эканини, бундай сўзлар қўлланганда иложи борича ўзбекча маъносини ҳам бериш лозимлигини таъкидлаган эди. Зеро, бундай атамаларнинг асл маъноси кўпчиликка маълум эмас. Шундай қилсак, янада кўпроқ ўзбекча атамалар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз ўрнини эгаллаши ва бу ҳужжатлар матни аҳолига янада тушунарлироқ бўлиши тайин.

Бизнингча, қонун меъёрлари ёхуд ҳуқуқшуносликка оид атамаларни таржима қилишда ҳам андазавий (стандарт) сўзлар ва атамалардан кенгроқ фойдаланган маъқул. Акс ҳолда асл маънодан узоқлашиб кетиш ҳам мумкин. Масалан, "суд процесси"ни "суд жараёни" деб ўгириш ўзини оқламайди. Чунки гап суд процесси хусусида кетаётганда "жараён" сўзи "процесс"нинг тўлиқ маъносини англатмайди. Масалан, терговчи процессуал ҳаракатларни амалга оширади. Буни "терговчи жараёний ҳаракатларни амалга оширади", деб айтолмаймиз. Чунки бундан ҳеч ким ҳеч қандай маъно уқиб ололмайди. Шунингдек, "процессуал ҳуқуқ"ни ҳам "жараёний ҳуқуқ" дейиш мантиқсиз ҳолатни юзага келтиради. Шу сабабдан, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда иложи борича ўзбекча ҳуқуқий атамаларни қўллаш, рус ёки бошқа чет тилларидаги ҳуқуқий атамаларнинг ўзбекча муқобили бўлмаганда эса барчага тушунарли бўлиб қолган одатий атамаларни ишлатавериш лозим. Зеро, тилга сингмайдиган атамалар кейинчалик ўз-ўзидан сўзлашувдан чиқиб кетади. Мисол учун рус тилида "гуманитарное право", "гуманитарный груз" каби иборалар бор. Матбуотда улар "инсонпарварлик ҳуқуқи", "инсонпарварлик ёрдами" шаклида қўлланилмоқда. Бу ўринда "инсонпарварлик ёрдами" атамаси тўғри қўлланган. Аммо "инсонпарварлик ҳуқуқи" "гуманитар ҳуқуқ" шаклида қўллангани маъқул. "Мандат", "материал", "меморандум", "криминология", "лизинг" каби сўзлар ҳам таржима қилинмагани тўғри деб ўйлаймиз. Шу билан бирга "коллегия" — "ҳайъат", "версия" — "тахмин", "инспекция" — "назорат" деб қўлланган ҳар жиҳатдан маъқул.

Хулоса сифатида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган янги қонун ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва улардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш лозим. Бу кўплаб соҳа мутахассисларининг ҳамкорликда ишлашини талаб этади.

Узоқ БОЗОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Конституциявий судининг судьяси

Савол беринг!

Уни хат ҳамда 132-14-18, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

— Мен ҳозир кексалик нафақасидаман. Шу билан бирга ишлаб келмоқдаман. Ўн ой пенсиянинг ярмини, 2 ой эса тўлиқ миқдорда олар эдим. Бу йилдан бошлаб бундай қоида бекор қилинганини айтишди. Шу тўғрими?

Хушвақт ЖИЯНОВ,
Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

— 1995 йил 20 декабрда Адлия вазирлиги томонидан 198-рақам билан рўйхатга олинган "**Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби**"нинг 31-бандига мувофиқ, меҳнат шартномаси (контракт) бўйича вақтинча календар йил давомида икки ой муҳлатга ишлаётган пенсионерларга пенсия тўлиқ тўланади.

Бу эса тўлиқ миқдордаги пенсия фақатгина вақтинча, икки ой муддатга ишга олинганларга тааллуқли ва доимий ишлаётган пенсионерларга татбиқ этилмайди, деган маънони англатади. 2002 йилгача Нарпай туман ижтимоий таъминот бўлими ходимлари томонидан сизга тўланган икки ойлик тўлиқ пенсия миқдори — ноқонуний ҳаракат деб баҳоланиши керак. Аммо сизнинг айбингиз бўлмагани сабабли ортиқча тўланган пуллар сиздан ундирилмайди.

* * *

— Ҳаёти давомида илғор меҳнат қилиб, ҳукумат мукофотларига сазовор бўлган шахслар (орден, медаль, фахрий ёрлиқ соҳиблари, фахрий унвон эгалари) пенсиясига устамалар белгиланганми?

Ўрол БЕКМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти

— Амалдаги "**Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида**"ги Қонуннинг 28 моддаси "к" бандида кўрсатилганидек, мамлакат учун алоҳида хизматлар қилган шахсларга хизматига қараб пенсиясига энг кам иш ҳақининг 100% дан 150% гача устама ҳақлар белгиланади. Бундай шахслар тоифаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 7 июлдаги "**Қалам ҳақи ва фахрий унвонлар учун қўшимчалар миқдорини ошириш тўғрисида**"ги 274-сонли қарорида кўрсатилган. Ушбу қарорга мувофиқ фақатгина фахрли унвонга эга бўлган фуқароларнинг пенсияларига устама ҳақ белгиланиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти, Ўзбекистон халқ ҳофизи, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси учун энг кам иш ҳақи миқдорида (3945 сўм) белгиланган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ирригатор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи каби фахрий унвон эгаларининг пенсияси учун энг кам иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида (2367 сўм) белгиланган.

Бу устамалар ишлаётган пенсионерларга иш ҳақи ёки агар пенсионер ишламаса, пенсиясига қўшиб берилади.

Саволларга ҳуқуқшунос
Гулноза САТТОРОВА жавоб берди

Jinoyat va jazo

АТИР СЕПИЛГАН ОҒУ

СУД ОЧЕРКИ

Яратган барча тирик мавжудотлар ичида фақат инсонга ақл, тафаккур неъматини ато этган. Одамзот ана шу ақл-заковати билан тенгсиз мўъжизалар яратиб келмоқда. Аммо инъом этилган бебаҳо неъмат — ақлни нопок, тубан мақсадлар сари йўналтирадиган кимсалар ҳам ҳаётда учраб туради. Қуйида ақлини ана шундай нопок йўлга ишлатиб, ўзига тавқи лаънат орттирган кимсалар ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Асли ургутлик Шерзод Ғуломов Сурхондарёнинг Узун туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Инот Мардонов хонадонига "меҳмон" бўлиб келди. Албатта, у шунчаки саёҳатга келмаган, унга "героин" керак эди. Хуллас, дастурхон устидаги гурунг "қора дорига" бориб тақалгач, Шерзод ўз мақсад-муддаосини очиқ айтди:

— 900 минг сўм накд пул бор. Менга ана шу пулга яраша «ҳалиги»дан керак. Топиб берсангиз, пул сизники, йўл бизники.

Кўрмаганнинг кўргани қурсин экан. Бундай катта миқдордаги пулни кўриб хонадон соҳиби И. Мардоновнинг дафъатан ақли шошиб қолди. Мезбон сира тап тортмай «буюртма»ни тез орада бажаришга сўз берди. Шундан сўнг азбаройи сахийлиги тутганидан қайтадан дастурхон тузатишга киришди.

Эртаси кун Инот Мардонов енг шимариб ишга киришди. У ишни аввал "шерик" излашдан бошлади. Ниҳоят, қўшни қишлоқда истиқомат қилувчи Маҳмуд Холбоев билан гапни бир жойга қўйишгач, қўшни Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрига «сафар»га отланишди. Буни қарангки, кўп ўтмай улар "Ҳабиб" исмли бир йигитдан 1 килограмм 300 грамм "героин"ни айланма йўллар орқали Узунга олиб қайтишди. Ҳамтовоқларнинг оғзи қулоғида эди. Ахир сал вақтдан сўнг жарақ-жарақ пул чўнтакка киради-да...

— Шерзод ака, "заказ"ингиз бажарилди. Мана сиз айтган "товар". Фақат узумини енг-у, боғини сўраманг, — деди Инот беўхшов иржайиб.

— Ў, Инотжон, узумини эмас, акажоним балиғини есин-у, дарёсини сўрамасин, де, — деди Шерзод яйраб кулганча.

Сўнг шериклар "мол"ни Тошкентдаги "Отчопар" бозори ёнигача қандай йўл билан олиб бориш режасини тузишди.

— Шерзод ака, буёғини ҳам ўйлаб қўйганмиз, —деди бирдан Инот. — "Героин"ни менинг "УАЗ" машинамнинг қўшимча бакига жойлаймиз. Қарабсизки, ишлар "беш!"

— Бу жуда хавфли. Анави "Дарбанд" пости чатоқ. Ҳид оладиган итлари ҳам бошқача... — дея хавфсиради Шерзод.

— Э, ҳали сув кўрмай, этик ечманг-да, акажон! — дея Маҳмуд гапга аралашди. — Бунинг ҳеч кимнинг хаёлига келмаган антиқа йўли бор...

— Қани, тезроқ айт-чи, қанақа антиқа йўл экан? — дея сўради сабри чидамай Шерзод Ғуломов.

— Барча "дори"ни елим халтага жойлаб, устидан атирларни қуямиз-да, сўнг бензобакка жойлаб, бемалол ҳар қандай назоратдан ўтиб кетаверамиз. Фақат ўзимиз сездириб қўймасак, бас, ҳеч ким билмайди.

"Мол"ни "Отчопар" бозорига етказиб бериш биздан, қолганини ўзингиз биласиз.

Оғуфурушлар шундай йўл тутганча, захри қотилни барча постлардан яширинча олиб ўтиб, Тошкентга етиб келдилар.

— Ана, Шерзоджон, энди чор тарафингиз қибла. Дарёда сузасизми, қуш бўлиб учасизми — ўзингиз биласиз. Бизнинг ишимиз битди, — дея хайрлашдилар. Улар кетишгач, Шерзод бозор ичига оралади. Тўғри келган биринчи савдо дўконидан икки қоп макарон сотиб олди. Сўнг макарон солинган қоплар ичига "героин"ни жойлаштириб, "Тошкент-Нукус" йўналишидаги автобусга ўтирди. У "мол"ни Хўжайли шаҳрида яшовчи таниши М. Эрматовга етказиб берди. Ундан «мол»ни 300 минг накд пул ва 2 тонна сут кукунига айирбошлади. Эҳтимол, сиз Шерзод қуритилган сут кукунини Ургутга олиб қайтади, деб ўйлаган чиқарсиз?

(Давоми тўртинчи бетда)

Jahon tajribasi

МУҲОФАЗАЛОВЧИ ВА МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ ИДОРА

ЁКИ ЕВРОПА ДАВЛАТЛАРИ АДЛИЯ ТИЗИМИГА БИР НАЗАР

Бугунги кунда дунёнинг деярли барча давлатлари тизимида Адлия вазирлиги жамиятнинг ижтимоий, сиёсий ҳамда ҳуқуқий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мазкур вазирлик фаолияти дунё миқёсида тобора кенгайиб бормоқда. Бу ҳолни айниқса, биз Европа давлатлари тажрибасида яққол кўришимиз мумкин.

Бу ўринда айтиш жоизки, барча Европа давлатларининг адлия тизими деярли бир хил ҳуқуқий асослардан таркиб топган. Бироқ бу давлатларнинг қонунчилик тизимига назар ташласак, ҳар бир давлатнинг Адлия вазирлигида ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқий меъёрлар асосида фаолият юритишига гувоҳ бўламиз.

Мисол учун Бельгия давлати тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, ушбу давлат бошқаруви тизимида Адлия вазирлиги муҳим ўрин тутади. Энг муҳими, вазирлик фаолияти давлат ҳокимиятининг ҳар уч бўғинида — қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятида ўзининг ифодасини топган.

Бельгия Адлия вазирлиги ўз фаолиятини қуйидаги уч асосий йўналишда амалга оширади:

1. Фуқаролик, тижорат, суд ва жиноят ҳуқуқи соҳаларига дахлдор қонун ҳужжатларини тайёрлаш ва бу йўналишларда халқаро ҳамкорлик ўрнатиш. вазифаларни амалга ошириш вазирликнинг икки "вертикал" бўлинмаси — фуқаролик қонунчилиги ҳамда жиноят қонунчилиги ва инсон ҳуқуқлари бош маъмурияти зиммасига юклатилган.

2. Вазирлик тасарруфидаги идора ва муассасаларнинг фаолият юритиши учун уларни моддий-техник ресурслар билан таъминлаш. Бу фаолиятни амалга оширишда вазирликнинг иккита "горизонтал" бўлинмаси — умумий хизматлар ҳамда суд идоралари бош маъмурияти бевосита масъул саналади.

3. Жиноий ҳуқуқбузарликка оид суд қарорлари ижросини таъминлаш. Бу вазифани вазирлик тасарруфидаги жазони ижро этиш муассасалари бош маъмурияти амалга оширади.

Бундан ташқари, Бельгия Адлия вазирлиги ваколатлари доирасига ядро энергияси соҳасидаги хавфсизлик чора-тадбирларини кўриш устидан назорат қилиш ҳам киради.

Финляндия Адлия вазирлиги фаолиятида эса жамиятда ҳуқуқ-тартиботни назорат қилиш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, шунингдек, демократия тамойиллари ҳамда фуқаролик ҳуқуқларини таъминлаш вазифалари устувор саналади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги мамлакатда муҳим қонунларни ишлаб чиқиш, ҳуқуқий ҳимоя тизимини таъминлаш ва суд ҳукмларининг ижро қилиниши борасида масъул ҳисобланади.

Финляндия Адлия вазирлигининг марказий девони қуйидаги тўрт бўлимдан таркиб топган:

1) Қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

2) Суд идоралари устидан маъмурий назорат;

3) Қамоқ жазоси тизими;

4) Умумий масала ва хизматлар бўлими.

Шуни айтиш жоизки, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлимида 5 та гуруҳ мавжуд бўлиб, у юридик шахслар ва корхона, ташкилот, муассасалар ҳуқуқий мақомининг белгиланиши ва ўзгартириши борасидаги муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқади. Шунингдек, бу гуруҳларда фуқаролар билан давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун лойиҳалари тайёрланади ва ишлаб чиқилади. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, Финляндия ҳуқуқ-тартибот тизимида фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш вазирлик зиммасига юклатилган.

Бу бўлимга жиноят қонунчилиги, суд-ҳуқуқ қонунчилиги ва банкротлик соҳасидаги қонунчилик бўйича ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш вазифаси ҳам юклатилган.

Яна шуни айтиш керакки, мамлакатдаги турли вазирликлар томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича таклиф ҳам ушбу бўлим назорат идорасида кўриб чиқилади.

Вазирликнинг суд идоралари устидан маъмурий назорат бўлими эса прокуратура ва суд ҳужжатларини ижро қилиш бюросининг фаолиятини мувофиқлаштиришни таъминлашни амалга оширади.

Мамлакатда суд қарорларини ижро этишни бошқариш ва назорат қилиш ҳам Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган.

Яна бир эътиборли ҳолат шуки, Финляндия адлия канцлери бир пайтнинг ўзида Финляндия Бош прокурори ҳисобланади.

Финляндия Адлия вазирлигининг қамоқ жазосини назорат қилиш бўлими жазони ижро этиш муассасалари фаолиятига раҳбарлик қилади. Бу бўлим мамлакатда жазоларни, хусусан, шартли жазоларни ўташ, шунингдек, бошқа муқобил шакллардаги жазоларнинг ижро этилишини назорат қилади.

Финляндияда фақат Президент авф этиш йўли билан суд томонидан чиқарилган ҳукмни бекор қилиши ёки шахсга белгиланган жазони енгиллаштириш ваколатига эга. Авф этишни сўраб эса Президентга Адлия вазирлиги мурожаат этиши мумкин.

Шу билан бирга мамлакатда Адлия вазирлиги сайловлар ўтказиш бўйича олий орган ҳисобланади ва давлат ҳамда маҳаллий органларнинг сайловларига, шунингдек, овоз беришларга раҳбарлик қилади. Бундан ташқари, Адлия вазирлиги партияларнинг регистрини юритади ва партия маблағларининг сарфланишини назорат қилади. Бу вазифалар вазирликнинг умумий масалалар бўйича бўлими томонидан амалга оширилади. Шунингдек, халқаро-ҳуқуқий муаммоларни кўриб чиқиш ҳам умумий масалалар бўйича бўлимнинг вазифаларидан бири саналади.

Мамлакат Адлия вазирлиги марказий девонида 400 нафарга яқин ходим фаолият кўрсатади. Адлия вазирлиги қошидаги маъмурий соҳада эса 7500 нафарга яқин ходим хизмат қилади. Улардан 4500 нафарга яқини судлар, прокуратура ва суд ижросини таъминлаш муассасаларида фаолият кўрсатади. Қамоқ жазосини назорат қилиш тизими муассасаларида эса 3 минг нафарга яқин хизматчи меҳнат қилади.

Европадаги яна бир мамлакат — Нидерландияда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосида мўътадил ижтимоий муҳитни таъминлаш, шунингдек, шахс манфаатлари билан жамият манфаатлари уйғунлигини инобатга олган ҳолда, жамиятда ижтимоий мувозанатни сақлаш Адлия идораларининг асосий фаолияти саналади.

Бошқача айтганда, Нидерландияда Адлия вазирлиги ҳукумат билан фуқаролар ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи идора ҳисобланади.

Нидерландия Адлия вазирлиги фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига қамраб олади:

- мамлакатнинг катта шаҳарларида ҳуқуқ-тартиботни сақлаш;
- аҳоли билан ишлаш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш);
- оила ҳуқуқи масалалари билан шуғулланиш (хусусан, биргаликда яшаш, бир жинсдаги шахслар ўртасидаги никоҳ, боланинг фамилиясини танлаш ва ҳк.);
- вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши кураш;
- гиёҳванд моддалар истеъмолига қарши кураш олиб бориш;
- эвтаназия;
- соғлиқни сақлаш масалалари назорати (Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда);
- прокуратурани қайта ташкил этиш;
- жинсий жиноятларга қарши курашиш;
- иммиграция сиёсати;
- муаллифлик ҳуқуқи;
- йўл-транспорти ҳодисалари оқибатида жабрланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;
- жазонинг ижросини таъминлаш;
- жазо сифатида қўлланилган жамоат ишларига жалб қилиш;
- суд тизимини такомиллаштириш.

Мамлакатда Адлия вазири ва вазирнинг статс-котиби Парламент томонидан тайинланади.

Ўрни келганда вазирлик таркибий тузилиши ҳақида гапирадиган бўлсак, у 2 та функционал идора ва 4 та махсус маъмурий идоралардан таркиб топган.

Функционал бўлинмаларга қуйидагилар киради:

1) Вазирлик фаолиятини таъмин этадиган илмий-тадқиқот, стратегик масалалар билан шуғулланувчи марказий бошқарма. Шунингдек, унга девонхона, матбуот хизмати ҳам киради;

2) Тезкор бошқарма. Мазкур бошқарма молиявий, иқтисодий, кадрлар масалаларини ҳал этади.

Махсус маъмурий идораларга эса қуйидагилар киради:

1) Халқаро ишлар ва иммиграция масалалари бўйича бош маъмурият;

2) Вояга етмаганлар томонидан содир қилинадиган жиноятларнинг олдини олиш бўйича бош маъмурият;

3) Одил судловни бошқариш ва юридик хизмат кўрсатиш масалалари бўйича бош маъмурият;

4) Ҳуқуқни қўллаш масалалари бўйича бош маъмурият.

Кўриниб турибдики, Европа давлатларида Адлия вазирлиги давлат ҳокимияти идораларининг мувозанатини сақлаш, жамиятда ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза этиш, шунингдек, фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қиладиган, демократик тамойилларни шакллантириш сингари ўта масъулиятли вазифаларни ўз зиммасига олган давлат идораси ҳисобланади.

Акмал БУРХОНОВ,
магистр

Saboq

ҲАЛОЛ ҲАҚ ЕРДА ҚОЛМАЙДИ

Одамларнинг меҳнат фаолияти олди-берди шаклидаги муносабатлар асосида вужудга келади. Шу боис корхона ва ташкилотларда бошлиқ ходимни ишга қабул қилаётганда меҳнат шартномасига имзо чека туриб, кўрсатилган муддат давомида иш билан таъминлаш баробарида белгиланган иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масъулиятини ҳам зиммасига олади.

Қарши туманига қарашли қурилиш механизациялаш бошқармасидаги раҳбарлар буни уддаламаганликлари учун судда жавоб беришди. Зуфар Эркаев 2001 йил апрел ойидан декабр ойигача 165492 сўмлик иш ҳақини ололмагандан сўнг Қарши туманлараро фуқаролик судига мурожаат этди. Судда жавобгар томон вакили Ш. Ҳайдаров даъвони тан олиб, ҳақиқатан ҳам бошқарманинг ҳисоб рақамида маблағ бўлмаганлиги учун ходимга иш ҳақи тўлаш имконияти топилмаганини билдирди.

Меҳнат Кодексининг 161-моддасида меҳнатга ҳақ тўлаш муддатлари жамоа шартномаси ёки бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланиши ва ҳар ярим ойда бир мартадан кам бўлиши мумкин эмаслиги қайд этилган. Суд даъво аризасини қаноатлантириб, Зуфар Эркаевнинг фойдасига туман қурилиш механизациялаш бошқармасидан 165492 сўм ундиришни белгилади ва қарор дарҳол ижрога берилди.

Нишон туман прокуратураси томонидан 8-сонли механизациялашган кўчма колоннасида **"Меҳнат тўғрисида"**ги Қонун ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талаблари асосида ижро қандай ҳал этилаётгани юзасидан таҳлилий текширув ўтказилганда фуқаро Алишер Абдиевга 598224 сўмлик иш ҳақи маъмурият айби билан тўланмагани аниқланди. Шу сабабли туман прокурори судга даъво аризаси билан мурожаат этди. Суд даъвогарнинг даъвосини қаноатлантирди ва 8-механизациялашган кўчма колоннадан фуқаро Алишер Абдиевга 598224 сўм иш ҳақи ундириш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Қарши туман прокурори ҳам судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, тумандаги 29-сонли МКК шўъба корхоасии ишчиси Байрамали Эркаевга 2001 йил январ ойидан 2002 йил апрел ойига қадар берилмаган 20074 сўмлик иш ҳақини ундириб беришни сўраган. Судда шўъба корхонаси бошлиғи Х. Хуррамов Байрамали Эркаевга берилиши лозим бўлган иш ҳақи пул маблағи йўқлиги сабабли берилмаганини тан олди. Суд даъвогар даъвосини тўла қаноатлантириб, Б. Эркаевнинг иш ҳақини кечиктирмасдан ундириб бериш ҳақида қарор қабул қилди.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, раҳбарлик қўл остидаги ҳар бир ходимнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш масъулияти ҳам демакдир. Бу масъулиятни унутган раҳбар қизариб қолиши — одамлар олдида мулзам тортиши шубҳасиз.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

Insoniylik

ОРИЯТ

Ўрис отасининг, туркман хотинининг, ўзбек ўзбекнинг гапига кирмайди, деган ҳазилнамо гап бор. Ростдан ҳам, ўзбек ўз номи билан ўзига бек-да! Ҳазил ўз йўлигаю, лекин жиддийроқ ўйлаб кўрсак, аслида ўзбек ўзбекнинг гапига киради. Негаки, ғарбдан фарқли ўлароқ, бизда жамоа шахсдан устун қўйилади. Аммо шундай вазият бўлиши мумкинки, ўзбек ҳеч кимнинг гапига кирмайди. Бу ундаги ноёб бир гўзал туйғу билан боғлиқ. Бу туйғунинг номи орият.

Инсондаги худбинлик— эгоизм ва ўзгалар— қариндош-уруғ, маҳалла, Ватан,халқ, миллат учун жон куйдириш— альтруизм аслида бир моҳиятнинг икки қутби ҳисобланади. Уларни боғлаб турувчи умумий хислат-хусусият, туйғулар ҳар бир инсонда мавжуд бўлиб, шулардан бири орият туйғусидир.

Орият тушунчасига кенгроқ назар ташлаш керак. Айтайлик, ўғил болаларнинг кир ювиш, овқат қилиш, хамир қориш ёки сигир соғишдан уялиши орият эмас. Бу чала, маромига етмаган худбинлик оқибатидир. Бу ҳақда бир танишим ўзи билан боғлиқ воқеани айтиб берган эди. Унинг айтишича, мактабда ўқиб юрган пайтида бир куни эрталаб онасига хамир қориб беради-да, мактабга йўл олади. Ўша вақтларда катта опалари турмушга чиқиб кетган бўлишиб, синглиси ҳали ёш бўлгани учун уй юмушларига қарашиш ака-укаларнинг бўйнида экан. Хуллас, у шошганидан қўлини яхши ювмаган эканми, мактабда бир синфдоши тирноқлари орасида қотиб қолган хамир юқини кўриб қолиб устидан кулган. Танишим эса бундан каттиқ уялган экан.

Уч-тўрт йил олдин бир қўшнимизнинг ўғли уйланган эди. У ўзини қишлоқнинг ориятли йигитларидан бири деб ҳисобларди. Ўзининг зўрлигини исботлаш учун, ичиб олган жўраларининг гапини ерда қолдирмаслик мақсадида тўй оқшомидаёқ келинни чимилдиқдан олиб чиқиб, қозонда овқат пиширтирди...

Ёки "мен хотинимдан қўрқмайман" деган гапни исботлаш учун жўраларининг кўзи ўнгида ҳеч бир айб иш қилмаган, бегуноҳ хотинини урган "ориятли" йигитлар ҳақида ҳам кўп эшитганмиз. Шундайларга эътибор бериб қарасангиз, аксарияти баъзан эркакларнинг ишини қилаётган онаси ёки хотинига қарашишни ор деб билади ёхуд ҳеч қаерда ишламай, ота-онаси ва фарзанди учун оладиган нафақага кўз тикиб яшайди.

Шаҳарга ўқишга кетганига уч-тўрт йил бўлган талаба орқасидан келган ота-онаси ёки қариндош-уруғларидан ҳам ор қилган вазиятлар учраб туради. Ор қилишининг сабаби — улар қишлоқдан келган, гапириш, кийиниш маданияти сустлигидан шаҳарлик дўстлари олдида уялармиш... Бу орият эмас, бояги худбинликнинг ўзгинасидир.

Орият — инсон "мен"ини суяб тургувчи устунларидан биридир. У инсондаги ўзи учун қайғуриш, ўз манфаатлари учун курашни таъминловчи, ўзини ҳурмат қилиш, қадрини сақлашга интилиш ҳосиласи ҳам ҳисобланади. Чинакам маънода ўз қадрини сақловчи, юксак поғоналарга кўтарилган "мен"гина ўзгалар қадрини, Ватан, халқ, миллат қадрини сақлай олади. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу туйғу ўзбекка қон билан кирган, жон билан чиқади. Фақат уни асраш, авайлаш ва албатта, ўз ўрнида ишлата билиш лозим.

Шерали НИШОНОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Qutlov

ИЛМНИНГ ШАРАФЛИ ЙЎЛИ



Эртасини ўйлаган одам борки, бу дунёда эзгу ишлари билан яхши ном чиқариш, хайрли амаллар қилишга интилади. Мамлакатимизда ҳуқуқ илмини ривожлантириш ва ҳуқуқшунос мутахассислар тайёрлаш йўлида қарийб ўттиз йилдан буён меҳнат қилиб келаётган Эмин Эгамбердиев ана шундай мақсадда яшаб келаётган инсонлар сирасига киради.

Ўрта мактабни тугатиб, дастлаб Қўқон шаҳридаги автомобил йўллари техникумини битирган Э. Эгамбердиев 1965 йилда ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг ҳуқуқшунослик факультетига ҳужжат топширди. Нуфузли илм даргоҳини муваффақиятли битирган Э. Эгамбердиевни факультетга ишга олиб қолишади. Аспирантурани битиргач, у 1976 йилда номзодлик диссертациясини ҳам муваффақиятли ҳимоя қилди.

1991 йилдан буён Тошкент давлат юридик институтида доцент, турли йилларда бир неча факультет декани вазифаларида фаолият юритган Э. Эгамбердиев айни кунда "Фуқаролик процесси" кафедрасида хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда олтмиш ёшни қаршилаган устоз-мураббийга мустаҳкам соғлиқ, илмий-педагогик фаолиятида муваффақиятлар тилаймиз.

ТДЮИ жамоаси

Isnod

ҚАРОҚЧИ МЕЗБОН

Шуҳрат Ғуломов илгари ҳам жиноят содир этиб судланган бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқариб ололмади. У ғараз ниятда 2001 йил олтинчи май куни "Тугал" қишлоғида яшовчи таниши Бахтиёр Раҳмонқуловнинг уйига йўл олди. Чунки Бахтиёр Шуҳратга туркманистонлик таниши Ўрол Тангриевнинг Ғузорга катта миқдордаги пул билан келишини айтган эди. Шунинг учун Шуҳрат Бахтиёр билан келишиб, унинг пулларини тортиб олиш ва ўртада "арра" қилишни режалаштирди. У Бахтиёрни ўз машинасида меҳмонлар келадиган қишлоқдан четроқдаги далага олиб бориб, унга нима иш қилиш кераклигини уқтирди. Кўп ўтмай кейин учрашишини айтиб хайрлашди. Бу пайт вақт тушликка яқинлашган эди. Меҳмонлар келишига эса ҳали беш-олти соатлар вақт бор.

Бахтиёр унгача шериклари Музаффар Саломов ва Чори Жўраевларни топиб, мақсадини айтди ҳамда уларни ҳам бу ишни бажаришда ёрдамлашишга кўндирди.

Энди уларнинг белгиланган жойга боришлари учун машина керак эди. Шунинг учун ҳам Бахтиёр шу қишлоқда киракашлик қиладиган таниши Шаҳриёрга учрашиб, унга "бизни бир жойга олиб бориб келсанг, хизмат ҳақингни бераман", деди. Шаҳриёр ҳам ҳеч иккиланмай рози бўлди. Улар машинада Шуҳрат кўрсатган жойгача бориб туришди. Учовлон Шаҳриёрга "бизларни кутиб тургин", деганча уни ёлғиз қолдириб, тепаликка чиқишди. Уч ўртоқ шу тариқа туркманистонлик меҳмонларни кута бошладилар. Музаффар билан Чори ҳарбий кийим кийиб олишган эди. Бир неча дақиқадан сўнг улар томонга номерсиз «УАЗ» русумли машина кела бошлади. Йигитлар пастга тушиб, машинани тўхтатишди.

— Қани, ҳаммаларинг тушиб, ҳужжатларингни кўрсатинглар, — деди Музаффар ҳарбийларга хос оҳангда.

«УАЗ» машинасидан тушиб келган ҳайдовчи ва Ўрол Тангриев паспорт ҳамда машина ҳужжатларини кўрсатишди. "Ҳарбий"лар «УАЗ» машинасидаги уч нафар аёлни ҳам тушишга ундашди. "Ҳарбий"лар машина ичини обдон текшириб, сумкаларни олишди ва "орқамиздан юринглар, командир олдига борамиз ва чегарани бузганларингиз учун чора кўрамиз", дейишди. Ҳарбий кийимда бўлган Чори эса машина ёнида қолди. Анча юргандаридан сўнг Музаффар Бахтиёрга машинани ҳайдаб келишни буюрди. Бахтиёр қайтиб келиб машинани улар олдига ҳайдаб борди. Улар Ўролдан сумкани тортиб олдилар-да, кутилмаганда машинани тезлик билан ҳайдаб қочиб қолдилар. Меҳмонлар бақирганларича қолаверишди. Бу орада "ҳарбий"ларни кутиб турган Шаҳриёр у томонга нотаниш икки киши қўлида алланарса билан югуриб келаётганини кўриб қолди ва қўрқиб кетиб, машинани ўт олдирганча қишлоқ томон қочди. У ярим йўлда «УАЗ» машинасида ўтирган Шаҳриёр, Музаффар, Чори ва Бахтиёрни кўриб, ҳайрон бўлганича машинасини тўхтатди. Шуни кутиб турган йигитлар «УАЗ» машинасидаги иккита канистр, магнитофон, колонка ва сумкани олиб, Шаҳриёрнинг машинасига юклашди. "Қаҳрамон"лар «УАЗ»нинг балонлари дамини чиқариб, ўзлари келган машинада жуфтакни ростладилар.

Бу пайтда туркманистонлик "меҳмонлар" нима қилишларини билмай қолишди. Ўрол шерикларини ғузорлик танишлари Камол Исмоилов ва Усмон Ғуломовларнинг уйига жўнатиб, ўзи машинада қолди. Орадан анча вақт ўтиб, шериклари Усмон Ғуломов билан етиб келишди ва машинани тузатиб, Усмоннинг уйига кетишди.

Меҳмонлар Шуҳрат Ғуломов билан Ғузор бозори ва яна бошқа жойларни айланиб чиқишиб, йўлтўсарларни топишолмагач, Ғузор тумани Ички ишлар бўлимига ариза билан мурожаат қилдилар.

... Бу орада Музаффар, Чори, Бахтиёр ва Шаҳриёрлар манзилларига қайтиб келишиб, "ўлжа"ни ўзаро бўлиб олишган ва ҳайдовчи Шаҳриёрга "хизмат ҳақинг" дея ўн минг сўм пул беришган эди. Музаффар 100 минг, Чори 80 минг сўм пул ҳамда магнитофон колонкаси, Бахтиёр 590 минг сўм пул ва рангли металлар ҳамда икки дона канистрга "эга" бўлишиб, уйларига тарқалишди...

10 май куни бу воқеа хусусида хабар топган ички ишлар ходимлари тезликда қидирув ишларини бошлаб юборишди. Ва кўп ўтмай айбдорлар далилий ашё билан қўлга олинди. Жиноят ишлари бўйича Ғузор тумани суди жиноятчиларнинг қилмишига яраша ҳуқуқий баҳо берди.

Шу ўринда савол туғилади: хўш, туркманистонлик фуқаролар Ғузорга нима учун келишаётган эди? Ўрол Тангриевнинг айтишича, у 2001 йил 6 май куни Нурсоат Хўжаназаровга тегишли «УАЗ» машинасида қариндошлари Гулчеҳра Маматқулова, Гулхон Ёқубова ва Заҳро Мусурмонқуловалар билан саёҳат қилиш ҳамда таниши Комил Исмоиловдан олган бир миллион сўм қарзини қайтариш учун Ғузорга келишган. Лекин улар чегарадан рухсатсиз ўтишган ва оқибатда йўлда "йўлтўсар"ларга дуч келиб, моддий-маънавий зарар кўришган.

Судда сўроқ қилинган Гулчеҳра Маматқулова, Гулхон Ёқубова ва Зуҳра Мусурмонқуловалар ҳам ўзлари билан олиб келаётган пулларидан айрилганини, яъни Гулчеҳра ва Гулхон 35 минг сўмдан, Заҳро эса 30000 сўм ва тилло сирғасини олдирганини айтишди.

Суд ҳукм чиқаришда ашёвий далил деб эътироф этилган 780 минг сўм пулдан 35 минг сўмни Гулчеҳра Маматқуловага, 35 000 сўмни Гулхон Ёқубовага, 30000 сўмни Заҳро Мусурмонқуловага, қолган 680000 сўмни Ўрол Тангриевга қайтарди. Унга етказилган зарардан қолган 320000 сўм зарар ва Заҳрога опага етказилган 60000 сўм зарар Шуҳрат, Бахтиёр, Музаффар ва Чорилардан солидар тартибда ундириладиган бўлди. Икки дона 20 литрли канистрлар ўз эгаси Нурсоат Хўжаназаровга қайтарилди ва ҳарбий кийимлар ҳамда икки дона халта йўқ қилиниб, 10 килограмм рангли сим давлат фойдасига мусодара қилинди. Шунингдек, ашёвий далил деб эътироф этилган "Москвич-412" русумли М57-55КФ давлат рақамли автомашина жиноят қуроли деб топилиб, давлат фойдасига мусодара этилди. Хуллас, жиноят жазосиз қолмаслиги яна бир бор ўз исботини топди.

З. ҚЎЗИБОЕВ,
журналист

Қизалоқлар гурунги

Jinoyatga jazo muqarrar

ЎЗГАНИНГ МУЛКИ БУЮРМАС

Бахтиёр ва Азиз нопок кимсалар тоифасиданлиги билиниб қолди. Ўзгаларни тунаш, уларни талаш, сўнг ўлдириб, силлиққина жиноят изини йўқ қилиш бу иккисига чўт эмас. Айтадиларку, ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас деб.

Бу иккиси ана шундай алфозда кун кўриш учун ўзларича жиноий гуруҳ тузиб, бирданига мўмайроқ пул топиш режасини тузишди.

Бир кун улар бир "Жигули" эгасини гумдон қилишиб, унинг машинасини майда қисмларга бўлиб сотиб юборишади. Ҳеч ким ҳеч нарса билмади деб бамайлихотир юрган эди. Йўқ, ҳартугул уларнинг қабиҳ ишлари фош бўлиб, ўз қилмишларига яраша жазоларини олишди.

Бир маротаба судланиб чиққандан сўнг ҳам ўзига яраша хулоса чиқармаган Азиз билан Бахтиёр яна ишламай ўзгалар мулкини талон-тарож қилишиб юришди.

Ўша куни ҳам иккиси бажарадиган ишнинг режасини яхшилаб тузишди. Анчадан ўзларига таниш бўлиб келган ҳайдовчи Ж.Жумақулов бошқарувидаги "Камаз"ни эгаллаб олиб уни пуллаш ниятида кўчага чиқишди.

Бахтиёр бекатга йўл оларкан, ўзидан ёши анча кичик Азизга қандай қилиб, уни ўлдириш йўлини тушунтириб борарди. Бекатга такси тўхтатиб, улар «Отчопар» бозори томон йўл олишади. Чунки Ж. Жумақулов ўша ерда ўзининг машинасида оғир юкларни ташиб, киракашлик қилар эди. Бир мижознинг ҳожатини чиқариб, яна мижоз кутиб турган Ж. Жумақулов ёнига келган. Шу пайт Бахтиёр ва Азиз унга шундай таклифни айтишди:

— Ака, бизни Оҳангаронда анча арматурамиз бор, уни олиб Қаршига олиб бориш керак. Шунга нима дейсиз?

Мижоз кутиб турган Ж. Жумақулов савдолаша бошлади.

— Майли, мен рози. Қанча берасизлар?

— Ўзингиз қанча сўрайсиз?

— 100000 сўм берасизлар, бўлмаса бошқа шофёр ёллай қолинглар.

Бахтиёр билан Азиз дарров кўна қолишди. Чунки уларга қанча пулга бориш-бормаслигини фарқи йўқ эди. Уларнинг ниятлари талончилик қилиш эди.

— Бўпти, биз розимиз, — деди иккиси.

Ҳайдовчининг ёнида кетаётган Азиз билан Бахтиёр уни ўлдириш пайида бўлса, Жўрақулов қўлга тушаётган 100000 сўм пулни ўйлаб, ширин хаёллар оғушида эди. Машина "Янги ҳаёт" колхози йўлларидан ўтиб, "Тошкент" каналига яқинлашиб қолган эди. Бу ер энг қулай жой. Бахтиёр шу ерда бир пас тўхташини илтимос қилиб қолди. Жўрақулов ҳайрон бўлса-да, машинани тўхтатди.

Шу вақт Бахтиёр уни биқинига пичоқ тираб, қўрқитиб, унинг кўкрак қорин атрофига икки марта пичоқ уради. Жўрақулов қаршилик қила бошлайди. Аммо Азиз "КАМАЗ"ни эшигини очиб, Жумақуловни кўкрак ва қорин қисмларига бир неча бор пичоқ уриб, уни ўлишини кутиб, оғзини ёпиб туради. Бунинг натижасида Жумақулов воқеа жойида вафот этади.

Энди жиноят изини яшириш керак эди. Бу икки одамкуш "КАМАЗ"нинг ҳужжатларини олиб қолиб, Жумақуловнинг ўзини каналга ташлаб юборишади. Уларнинг қабиҳ ниятларининг давоми амалга ошмай қолди. Қайтишда уларни ДАН ходимлари тўхтатдилар.

Ана шундай қилиб бу босқинчиликнинг умри қисқа бўлди. Улар ўз қилмишларига яраша жазоларини олдилар.

М. БАРАТОВ,
ҳуқуқшунос

Nadomat

25 СЎМ КЕЛТИРГАН КУЛФАТ

Инсон ҳаётида унутилмас воқеа ва ҳодисалар жуда кўп. Кимдир туғилган кунини, яна биров илк бора мактаб остонасига қадам қўйган онларини, аллакимдир ўрта мактабни битириш кечасидаги зўр шодиёнани шундай деб ҳисоблайди. Аслида эса инсон ҳаёти давомида хотирада сақланиб қоладиган воқеа ва саналар кун сайин ортиб бораверади. Бироқ ҳаётда хурсандчилик ортидан кўнгилсиз, нохуш воқеалар ҳам рўй бериши мумкин. Бундай дамларда хурсандчилик ўрнини ғам-ғусса, афсус-надомат, бир умрлик армон эгаллаб олади...

Қўқонлик Ойбек Пармонов ҳам уйидан унутилмас сана ҳисобланадиган битирув кечасига соғ-саломат, яхши кайфиятда чиқиб кетган эди. Дарровда биров билан жиққамушт бўлиб кетавермайдиган, босиқ, вазмин йигитча 2001 йилнинг 22 август куни оғир тан жароҳати олган эди. У орадан 17 кун ўтгач, касалхонада онаизори ва бошқа яқинларини зор йиғлатиб, ҳаётдан кўз юмди. Бунга сабабчи бўлган Маъруф Сулаймонов эса Жиноят Кодексининг тегишли банди билан узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди. Афсус, жабрланган ҳам, судланган ҳам айни йигитликнинг 17-баҳорида шу қисматга дучор бўлди. Шу билан бирга энди яхшиликка аталган кеча кўпчиликнинг кўз ўнгида рўй берган фожиа сабаб ёмонлик билан хотирланади...

... Даврада ўйин роса авжига чиққан. Шу маҳал Ойбек билан Маъруф четга, гилам ортига ўтишди. Уларнинг ўзаро жанжалларидан хабардор бўлган Аҳрор Ёқубжонов синфдошларини ажратиб қўйди. Лекин Маъруф Сулаймоновнинг айтишича, бу вақтда ғишт қолипидан кўчиб бўлган эди. Чунки Ойбек бир-икки мушт тушириб қўйган Маъруфнинг эса ич-этини қасос ўти кемираётган-ди. У ўзини қўярга жой топа олмай кўчага чиқди. Яна ортига қайтиб, 18-уйга кирди. Бироқ ҳеч ким Маъруф сўраган нарсани топиб бермади...

Август — айни пишиқчилик ойи. Бу маҳалда айниқса қовун-тарвузлар мўл бўлади. Жалолобод кўчасида яшовчи номаълум кишилардан бири Маъруфнинг гапига чиппа-чин ишонди. У йигитчанинг илтимосини ерда қолдирмай, қовун-тарвуз сўйиб олиш учун пичоқ беради. Маъруф пичоқни яширган ҳолда Ойбекни пойлай бошлайди. У эса ҳеч нарсадан бехабар, кўнгли тўқ ҳолда ўртада ўйнаяпти. Бир оздан сўнг мусиқа тўхтагач, Ойбек бир ўртоғи билан нафас ростлаб олиш учун кўчага чиқди. Айни шу пайтда қулай фурсатни қўлдан чиқаришни истамаган Маъруф Ойбекнинг орқа биқинига пичоқ санчиб олди. Бир зумда хурсандчилик ўрнини ғам-ташвиш, тўполон эгаллаб олди. Кимдир Маъруфни дўппослаган, бошқаси жароҳатланган Ойбекка ёрдамлашиш билан банд. Хуллас, Ойекни санъаткорлар машинасида касалхонага элтишди.

Нима бўлди ўзи? Ҳар икки йигитчанинг ўртасидан қачон оламушук ўтди? Йиғилган йигит-қизларнинг битириш кечаси бўлаётган эди, — дейди қўқонлик Ҳаёт Ҳамидов. — Мен ҳам ўйинни томоша қилгани чиққандим. Даврада Ойбек ўртоқлари билан ўйинга тушаётган эди. Шунда Маъруф ўртадаги йигит-қизларга 100 сўмдан пул қистира бошлади. Бир пайт пули тугаб қолдими, ҳар қалай ерда ётган 25 сўмлик пулни олди-да, Ойбекка қистирди. Шунда стулда ўтирган ва ўйин томоша қилаётган йигит-қизлар кулиб юборишди.

— Маъруф билан Ойбек бир-бирини туртишиб гилам ортига ўтишди, — деб эслайди Ҳамид Шамсиддинов. — Мен ҳам дарров уларнинг ортидан эргашдим. Етиб борсам, ҳар иккиси бир-бирининг ёқасини сиқиб олишган экан. Мусиқа товуши баланд бўлгани учун бир-биримизнинг гапимизни яхши эшитиб бўлмасди. Шундай қилиб, уларни кўпчилик бўлиб ажратиб қўйдик.

— Маъруф Сулаймонов устидан Жиноят Кодексининг 97-моддаси 2-қисми "ж, л" бандлари ва 277-модданинг 2-қисми "в, г" бандлари билан жиноят иши қўзғатилган, — дейди жиноят ишлари бўйича Фарғона вилоят суди судьяси Р. Саидаҳмедов. — Судланувчига дастлабки тергов органлари томонидан Жиноят Кодексининг 97-моддаси "ж" банди билан айб қўйилган. Бу нотўғри бўлиб, Маъруф Сулаймонов Ойбек Пармоновни ўта шафқатсизлик билан ўлдирганлигини тасдиқловчи далиллар ишда мавжуд эмас. Шунингдек, судланувчи Маъруф Сулаймоновга Жиноят Кодексининг 277-моддаси 2-қисми "в,г" бандлари ҳам ортиқча айб сифатида белгиланган. Сабаби Маъруф ўша куни атрофдагиларга ўзини қарши қўйиб, жиноят қилишда давом этмаган.

Суд мажлиси юз берган воқеа юзасидан далил ва исботларга таянган ҳолда ҳукм чиқарди.

Бироқ, энди нима бўлганда ҳам фарзанд доғида куяётган онаизорга осон тутиб бўлмайди. Зеро, фарзанд доғи — энг оғир дард. Лекин онаизорга сабр-бардош тилашдан ўзга чора топа оламизми?!

Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mutoyiba

ЭЛЕКТРОН МИЯ НИМА ДЕЙДИ?

Нью-Йоркдаги вокзаллардан бирига электрон мияли робот ўрнатилган. Ёнига осилган роботнинг тузилиши ҳақидаги маълумотномадан эса шу нарса англанадики, агар ким унинг чўнтагига 5 сент ташласа, ўзи ҳақида анчагина маълумот олиши мумкин.

Бир йўловчи роботга жуда қизиқиб қолди. У тешикка танга ташлаган эди, ҳақиқатан ҳам автоматдан бир қоғозча тушди. Унда шундай дейилган эди: "Сизнинг фамилиянгиз Дюран, исмингиз Жан, французсиз, хотинингиз ва уч нафар фарзандингиз бор. Сиз ҳар доим бизнинг вокзалдан 17^{30} да жўнайдиган поездда кетасиз".

Йўловчи таажжубдан ўзини тутолмай қолди:

— Бу ақлга сиғмайдиган гап!

Шу пайт бир ҳинди келиб қолди ва у ҳам тешикка 5 сент ташлади. Автоматдан тушган қоғозчада қуйидаги маълумот ёзилган эди: "Сиз қора Бизон Оклахомадансиз. Етти нафар фарзандингиз бор. Сизнинг поездингиз 18^{30} жўнайди".

— Келинг, мен сизнинг костюмингизни кийиб танга ташлаб кўрай-чи, — таклиф қилди Дюран ҳиндига. — Қизиқ, электрон мия нима деб жавоб берар экан.

Шундай қилишди ҳам. Дюран ҳиндининг кийимида роботга танга ташлади. Олинган маълумотда қуйидагича ёзилганди: "Сизнинг фамилиянгиз аввалгидай Дюран, илгаригидай уч нафар фарзандингиз бор. Аҳмоқона ҳазил билан шуғуллангунингизча, сизнинг поездингиз кетиб қолди..."

Jinoyat va jazo

АТИР СЕПИЛГАН ОҒУ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Қайда дейсиз, у 2 тонна сут кукунини Хўжайли шаҳридаги музқаймоқ цехига 200 минг сўмга сотиб юборди.

Шу алфозда Хўжайлидаги кийим-кечак бозорини айланиб юрган Шерзод Ғуломов ёнинг жазирама иссиғидан чеккароқда соялаб турган нотаниш кимса ёнида пайдо бўлди.

Кўр-кўрни қоронғуда топади деганларидек, ҳозиргина танишган одами шу шаҳарнинг Қўнғирот кўчасида истиқомат қилишини айтиб, Шерзодга бир килограмм захри қотил топиб беришни сўради.

Шерзод шу заҳотиёқ Узунга сим қоқди.

— Инотжон, қалайсиз, дўстим! Ишлар яхшими? Гап бундай, диққат билан қулоқ тутинг. «Ҳалиги»дан яна керак?

— Қачонга? — деб сўради салом-аликни ҳам йиғиштириб қўйган Инот.

— Қанча тез бўлса, шунча яхши.

— Икки кун ичида ҳал қиламиз.

— Қўйлиқ бозори ёнига кечки пайт етказиб келинглар. Ўша ерда кутиб тураман, — дея хайрлашди Шерзод ўз ҳамтовоғи билан.

Бир килограмм захри қотил яна И. Мардоновга тегишли "УАЗ" машинасида илгариги усул билан айтилган жойга етказиб келинди.

— Энди, ака, жўрачилик ўз йўлига. Бу мол, қолаверса, жон савдоси. Қанча берасиз? — деб савдолашди И. Мардонов.

— 500 АҚШ доллари, — деб жавоб қайтарди Шерзод Ғуломов.

— Бўлмайди. Хизмат ҳақини қўшингда, 600 дан кам бўлмасин! — деди норози оҳангда И. Мардонов.

Жиноий гуруҳ захри қотилни 600 АҚШ долларига баҳолашди. Узунлик ҳамтовоқлар ўз уйларига қайтиб кетишди. Шерзод эса яна йўлида давом этиши керак эди. У шу мақсадда "Отчопар" бозорига кириб, икки қоп вермишел сотиб олди. Уларнинг бирига захри қотилни жойлаганича яна "Тошкент-Нукус" йўналишидаги автобусга ўтириб, Хўжайли шаҳрига етиб келди ва захри қотилни эгасига топширди.

Бу тубан ниятли кимсалар захри қотилни сотишга тобора муккасидан кетиб борарди. Шерзод яна Узунга қўнғироқ қилди.

— Инотжон, "хирмоннинг каттаси"га дуч келдим, — деди у гапни айлантириб.

— Бунча чўзасиз, ишга ўта қолинг! — дея сабри чидамади Инотнинг.

— «Анави»дан беш кило керак?

— Нархи қанчадан бўлади?

— Келишамиз...

— Икки кундан кейин Қўйлиқ бозори ёнида, аввалги учрашган жойда кўришамиз,— дея хайрлашди Инот Мардонов.

— Келишдик, — деб рози бўлди Шерзод Ғуломов.

Қўшни Тожикистондан "мол"ни айланма йўллар билан олиб ўтган жиноий гуруҳ аъзолари "УАЗ" русумли автомашинанинг қўшимча ёқилғи қуйиладиган бакига кўп миқдорда захри қотилни елим халталарга устакорлик билан ўраб жойлаштиришди ва унинг устидан атир сепишни ҳам унутишмади. Сўнг келишилган жойда ҳозир бўлишди.

Еб тўймаган, ялаб тўймас экан. Жиноий гуруҳнинг қора қилмиши тобора илдиз отиб борди.

Шерзод Хўжайли шаҳридан янги "ҳамкор" топди. Баҳор кунларида бозор оралаб юрганда у Даврон Шамановга дуч келди.

— Бир килограмм "героин" топиб берсанг, "Нексия' автомашинасига эга бўласан, — деб очиқ савдога ўтди Д. Шаманов.

— Қачонга керак? — дея сўради Шерзод.

— Қанча тез бўлса шунча соз, — деб жавоб қилди Д. Шаманов.

Шерзод Узунга — шериги Инотга қўнғироқ қилиб, 1 кг "героин" кераклигини айтди. Оғуфурушликнинг ҳидини ҳидлаб, йўлини билиб олган Инот Мардонов шериги Маҳмуд Холбоев билан қўшни давлатга бориб келишди. Орадан икки кун ўтгач, атир сепилиб, бензин бакига жойлашган "оғу" айтилган жойга етказиб келинди. Шерзод уларни аввалгидек Қўйлиқ бозори ёнида сабрсизлик билан кутиб турарди. "Мол" ни олгач, улар билан хайрлашиб, яна "Отчопар" бозоридан харид қилинган икки қоп макароннинг ичига захри қотилни жойлаганича автобусга ўтириб Хўжайлига етиб келди.

— Бўлди, келишганимиздек, "Нексия" бераман. Улар қачон келишади? — деб сўради Д. Шамаев.

— Икки кундан кейин Нукус шаҳаридаги меҳмонхонада учрашамиз — жавоб қилди Шерзод Ғуломов.

Айтилган муддатда Узун туманидан етиб келган И. Мардонов, М. Холбоевлар Нукус шаҳридаги меҳмонхонада ўз шериклари билан учрашадилар. Бу ерда "Нексия" енгил автомашинаси Инот Мардонов номига нотариус орқали расмийлаштирилди.

Жиноий гуруҳнинг ўзаро савдолари икки йил давом этди. Аммо ҳар бир ишнинг ҳам адоғи бўлади. Баҳор кунлари эди. Ҳозиргина томчилаб ўтган ёмғирдан жунжикканича машина пойлаётган Шерзод Ғуломов Денов бозори ёнида Тошкент шаҳри томон бораётган "Нексия" автоуловининг ҳайдовчиси билан навбатдаги сафардан қайтиш баҳонасида йўл ҳақини келишди. Машинага ўтиргач, йўлга тушди. У захри қотилни ДАН назорат постларидан неча марта ўтказган бўлса, ҳамиша бамайлихотир, сиртидан ҳеч нарса кўрмагандек сезарди ўзини. Бу сафар негадир кўнгли хижил. Қўйнидаги 500 грамм захри қотил илон каби қўйнида ғимирлар, унинг заҳардек совуғи елим халтадан ўтиб, чап биқинини музлатиб юборарди. «Дарбанд» ДАН постига етиб келганида назоратчилар барча қатори унинг ҳужжатлари билан танишдилар, сўнг текшириб кўришади. Қора терга ботган Шерзод Ғуломов бу сафар сувдан қуруқ чиқа олмади.

Суриштирув ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан Шерзод ва унинг шерикларининг кейинги икки йил ичида содир этган барча жиноятлари фош этилди. Жиноий гуруҳнинг барча аъзоларига узоқ муддатли қамоқ жазоси тайинланди. Шу тариқа жиноий йўл билан топилган молу дунё ҳеч кимга насиб этмади...

Баднафслик ҳалокатга олиб боради, дея бежиз айтишмаган. Бу тубан ишга қўл урганларнинг барчаси қилмишларига яраша жазо олишди. Улар ўз умрларини куйдириб юборишгани етмагандек, ўзгаларнинг ҳаётини ҳам заҳарлашди.

Собир ЁДИКОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2002 йил 4 июндаги 10-0204/1431-сонли ҳал қилув қарорига асосан Давлат бюджетидан қарздор бўлган «Germes-Niko» масъулияти чекланган жамияти бўйича ишончли шахс этиб Б. Холиёров тайинланган.

Корхонага нисбатан талаб ва таклифлар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 95-уй. Юнусобод туман ДСИ биноси, 1-қават, 38-хона.

Телефон: 137-51-75

Сирдарё вилоят ҳокимлиги адлия бошқармаси томонидан 1997 йил 5 май куни АБДУСАМАТОВ САМАТ НОРБОЕВИЧга берилган SI 000012 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бошқарма бошлиғининг 28.06.2002 йилдаги 62-сонли буйруғи билан БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Самарқанд вилояти Нуробод туман ФХДЁ бўлими томонидан 2002 йил 24 январ куни А. Огниев ва А. Ротокля номига расмийлаштирилган 1-ЧЖ №325966 рақамли никоҳни бекор қилиш ҳақидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас деб топилсин.

1996 йилнинг январидан нашр этилади

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Пўлат САМАТОВ
Хуршид СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Аслиддин БОЛИЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Шуҳрат ФАЙЗИЕВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Ислом ҲАМРО
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Холли НОРБОЙ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усулида «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-3143. Тиражи — 10.000.
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.30

Навбатчи: **Бобомурод РАЙИМОВ**
Саҳифаловчи: **Жаъфар ЖАББОРОВ**
Компьютер операторлари: **Мадина АБДУЛЛАЕВА, Дилноза ШОКИРОВА**

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси-5.
Тел: 132-14-18 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.